

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги

Термиз давлат университети

Иқтисодиёт факультети

« Иқтисодиёт » КАФЕДРАСИ

401-ГУРУХ ТАЛАБАСИ

**Тураев Рустамнинг**

**МИНТАҚА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ  
ОМИЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

Мавзусида ёзган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

---

Илмий раҳбар:

Ўқ. Буранова Л.В.

Бажарди :

Р.Тураев

**Термиз-2014**

# **МИНТАҚА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

## **Кириш**

### **1-БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари.**

- 1.1. Миллий иқтисодиётда саноат тармоғининг тутган ўрни ва ривожлантиришнинг босқичлари.
- 1.2. Саноатнинг давлат томонидан қўллаб қувватланиши.
- 1.3. Саноат тармоғининг ривожланиш тенденциялари.

### **2-БОБ. Ўзбекистонда минтақа саноатини ривожлантиришнинг асосий омиллари ва йўналишлари.**

- 2.1. Минтақада саноат ишлаб чиқариши динамикаси таҳлили.
- 2.2. Минтақа саноатини модернизациялаш ва диверсификациялашнинг ҳозирги ҳолати.
- 2.3. Минтақа саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари

## **Хулоса ва таклифлар**

## **Фойдаланилган ва қўлланилган адабиётлар**

## **Иловалар**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакат иқтисодиётини ҳудудий жиҳатдан оқилона ташкил этиш иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Минтақалар табиий-иқтисодий ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш иқтисодий мустақилликка эришиш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш, республика аҳолиси фаровонлиги ва турмуш даражасини яхшилашнинг асосий шартларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, ”Иқтисодиётимизни ҳудудий тузилиш жиҳатидан такомиллашуви ҳам фойдаланилмаган манбалар ва иқтисодий имкониятлардан юксак даражада ва самарали фойдаланиш, вужудга келган ҳудудий номуносибликларни бартараф этиш ҳамда ҳозирги кундаги муҳим масала – ишсизликка қарши самарали курашишга имкон беради”.<sup>1</sup>

Мамлакатимизнинг миллий маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий тармоқларидан бири-саноатдир. Саноат ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш имкониятлари билан бошқа соҳа ва тармоқлардан ўз афзаллиги билан тубдан фарқ қилади. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи тармоғи бўлиб, унинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади.

Мамлакатимиз саноат тармоқларини жадал ва барқарор ривожлантириш , уларнинг экспорт салоҳиятини устириш, ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуриштириш , ички бозорни миллий корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлаш , мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш асосида саноатнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини янада

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997 – 206-б.

оширишга эришиш мумкин. Бу борада юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.<sup>1</sup>

Саноат ишлаб чиқаришини ҳудудий жиҳатдан оқилона ташкил этишни таъминлайдиган аниқ давлат дастурининг янада қупайтириш зарурати, минтақалар саноат ишлаб чиқариши даражаси ўртасидаги тафовутнинг юқорилиги ва уни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқиш зарурияти мавзунинг йўналиши ва долзарблигини белгилаб берди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва саноат таркибини такомиллаштириш масалалари кўплаб мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи-олимларнинг илмий тадқиқотларида кенг миқёсда ўрганилган.

Минтақалар саноат тараққиёти ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш, саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари хорижий иқтисодчи-олимлар – [5.29.] Боумен К., [5.35.] Дихтл.Е., [5.36.] Портер М., [5.34.]Макконнелл К.Р., Брю С.Л., [5.35.] Портер М., [5.36.]Роджерс Л. Л ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Шунингдек, МДҲ мамлакатлари олимларидан[5.28.] Ансофф И., [5.32.] Иванов В.В.,[5.33.]Забелин П.В.,[5.34.]Маркова В.Д.,[5.37.] Румянцева е.Е. ва бошқалар узларининг илмий ишларида саноатни ривожлантириш юналишларини акс эттирган.

---

<sup>1</sup> И. А.Каримов 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади маърузаси 18.01.2014й

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва унинг ҳудудий таркибини шакллантириш муаммолари республикамиз олимлари –[5.27.] Абулкасимов Х.П., [5.30.] Бекмуродов А.Ш.,[5.38.] Саидова Г., [5.39.] Салимова Т.А.,[5.42.] Хашимов А.А.,[5.43]..Ходиев Б.Ю.,[5.45.] эгамбердиев.Ш., [5.47.] А.Султоновларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган.

**Битирув-малакавий ишининг асосий мақсади** Минтақа саноат саноатини ривожлантиришнинг асосий омиллари ва йуналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифаларни** ҳал этиш кўзда тутилган:

- Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши ривожланишининг босқичлари ва ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

- Минтақада мавжуд табиий-иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланишни кўзда тутган ҳолда саноат ишлаб чиқариши ривожланишидаги тенденцияларни аниқлаш;

- Минтақада саноат тармоғини давлат томонидан қллаб қувватланишини аниқлаш;

- Ўзбекистон ҳудудларида саноат ишлаб чиқариши динамикаси ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

- Ўзбекистон ҳудудларида саноат ишлаб чиқариши ривожланишининг асосий йўналишларини асослаш ва истиқболларига баҳо бериш.

**Битирув малакавий ишининг объекти ва предмети.** Битирув малакавий ишининг объекти- ОАТБ “Агробанк” ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг предмети** бўлиб саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш усуллари ва механизми ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг назарий-услубий асоси** бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг[4.17.,...4.26. ]асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди. Шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари [2.5.,...3.1.6.,]ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида меъёрий, таққослаш, гуруҳлаш, ҳисоб-конструктив ва бошқа усуллар қўлланилди.

**Битирув-малакавий ишининг** ахборот базаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Сурхондарё вилояти Статистика бошқармаси, ҳамда Шиндонг-спиннинг кушма корхонаси маълумотларидан[5.49.] фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши.** Битирув-малакавий иши кириш, икки боб, хулосалар ва таклифлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# **1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА САНОАТ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.**

## **1.1. Миллий иқтисодиётда саноат тармоғининг тутган ўрни ва ривожлантиришнинг босқичлари.**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда саноатнинг тармоқ таркибини такомиллаштиришнинг муайян ҳуқуқий асослари яратилди. Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва жойлаштиришни ҳудудий жихатдан тартибга солиш республика ва ҳудудий мақсадли дастурлари (кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ жойларида иш билан бандлик, энергетика мустақиллигини таъминлаш ва бошқалар) орқали амалга ошириляпти.

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг энг йирик етакчи тармоғидир. Унда меҳнат қуролилари (воситалари), меҳнат буюмлари ва халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми яратилади: машина ва механизмларнинг барча турлари, бино ва иншоотларнинг конструктив элементлари ишлаб чиқарилади, ер ости бойликлари қазиб олинади, минерал, ўсимлик ва ҳайвон хомашёсига ишлов берилади, кенг истеъмол моллари тайёрланади.

Саноат халқ хўжалигининг барча тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуролилари билан таъминлайди. Миллий иқтисодиёт, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожини саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ.

Бугунги кунда миллий саноатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишдаги ва умуман иқтисодий ўсишдаги таъсири ортиб бормоқда. ЯИМнинг 24,2 фоиздан зиёди, экспортнинг қарийб 55 фоизи саноат тармоқларида яратилмоқда, соҳада жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 21 фоизи меҳнат қилмоқда.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металл қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобил телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда.

Мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни тубдан ошириш бўйича ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ҳам амалий самарасини бермоқда.

Ўтган йили ана шундай товарлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми 14,4 фоизни ташкил этди ва ялпи саноат ҳажмида уларнинг улуши 35,5 фоизга етди. Бундай товарларнинг рақобатдошлиги нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам тобора ортиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича бажарган ишларимиз муҳим роль ўйнади.

Сўнги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг

Ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.<sup>2</sup>

Мамлакат ва минтақалар эҳтиёжларига мувофиқ келадиган, улар манфаатларининг ўзаро уйғунлашувини таъминлайдиган, минтақаларда мавжуд табиий-иқтисодий имкониятларни ҳисобга оладиган саноат тармоғининг оқилона ҳудудий таркибини шакллантириш бугунги кундаги устувор вазифалардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда саноатнинг тармоқ таркибини такомиллаштиришнинг муайян ҳуқуқий асослари яратилди. Саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва жойлаштиришни ҳудудий жиҳатдан тартибга солиш республика ва ҳудудий мақсадли дастурлари [кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ жойларида иш билан бандлик, энергетика мустақиллигини таъминлаш ва бошқалар] орқали амалга ошириляпти.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштиришда иқтисодий ўсишнинг ҳудудий омилларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти, аниқ мақсадни кўзлаб ишлаб чиқилган минтақавий саноат сиёсати мавжуд эмас. Саноатнинг ҳудудий таркиби минтақавий товарлар, хизматлар, капитал ва меҳнат бозорлари эҳтиёжлари ва имкониятларига мувофиқ келмаяпти, саноат корхоналарини жойлаштиришни тартибга солиш ва рағбатлантиришнинг иқтисодий усуллари кенг жорий этилмаяпти. Бу эса, минтақалар саноат ривожланишидаги тафовутларнинг кескин даражада сақланиб қолишига ва мавжуд ресурслардан самарасиз фойдаланишга олиб келмоқда.

---

<sup>2</sup> И. А.Каримов 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади маърузаси 18.01.2014й

Бозор муносабатларига ўтиш саноатнинг худудий таркибини такомиллаштириш муаммосига янгича ёндашув ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган худудий дастурни тақозо этиб, у бозор муносабатлари ва аҳоли талабларига мувофиқ келадиган саноат таркибини шакллантиришнинг йўллари ва чора-тадбирларини ўзида мужассамлаштириши лозим.

Ўзбекистонда айниқса, газ, нефт, кимё, машинасозлик, рангли металлургия, ёқилғи саноати тармоқлари жадал суръатлар билан ўсди. Саноат тараққиётини жадаллаштириш—валюта-молиявий, халқ хўжалигининг ташқи бозорга қарамлигини заифлаштиради. Саноатнинг истеъмол буюмлари билан ўзини-ўзи таъминлаши эса халқ турмуши даражасини кўтаришни кафолатлайди.

Мустақиллик йилларида саноатнинг янги, юқори технологияга эга бўлган тармоқлари [автомобилсозлик, радиотехника, мураккаб, малакали кадрталаб, машинасозлик ва ҳ.к.] вужудга келди. Ҳозирги вақтда республика саноат таркибида 100 дан ортиқ тармоқ; ва тармоқчалар мавжуд бўлиб, улар бир неча мажмуаларни ташкил этади.

Бундан ташқари саноат маҳсулотларининг хусусияти уларнинг истеъмол қилиниши бошқа хусусиятларига қараб, оғир, енгил, озиқ-овқат хом ашё, қайта ишловчи тармоқларга бўлинади. Мамлакатимиз вилоятлари саноат маҳсулоти таркибида ушбу гуруҳларнинг нисбати жуда катта фарқ қилади. Навоий, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида хом ашё тармоқлари, Самарканд, Сирдарё, Андижон, Наманган, Хоразм, Бухоро вилоятларида қайта ишловчи тармоқлар ривожланган. Навоий, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида оғир саноат тармоқлари, Бухоро, Андижон, Наманган вилоятларида енгил саноат тармоқлари, Самарканд, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида озиқ-овқат саноат тармоқлари улушининг катталиги билан ажралиб туради. Айрим вилоятларда саноат тармоқларининг улуши ҳар хил.

Ўзбекистон саноати тармоқлари орасида енгил саноат асосий ўринни эгаллайди. Бунинг сабаби миллий иқтисодиёт асосини пахтачилик ташкил этади ва шу мақсадда йирик енгил саноати ташкил этилган.

Мамлакатимиз саноати миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бўлган пахтачилик, ипакчилик кабиларнинг талаб-ехтиёжларини қондириш мақсадларида ташкил топди ва ривожланди. Иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ва бозор муносабатларига ўта бориш туфайли Республика саноат тармоқлари аста-секин такомиллашиб, ўзаро боғланган мажмуа шаклини олмоқда.

Ўзбекистон саноати Республикада мавжуд бўлган табиий ва иқтисодий бойликлардан, тез ўсиб бораётган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида ривожланмоқда. Республика ер бағридан топилган ва ишга туширилган табиий газ, нефт, олтин, мис, кўрғошин, рух, волфрам, кўмир ва бошқа бойликлар бу борада айниқса катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида миллий саноатнинг роли ва аҳамияти салмоқли бўлиб, давлат мустақиллигига эришилганидан кейин бу соҳада туб хўжалик-иқтисодий, ташкилий-институционал ва таркибий ислохотлар амалга оширилди. Саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, давлат-акциядорлик, корпоратив, жамоа ва хусусий мулк шакллариغا айлантириш, саноат тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш, чет эл капитали билан ҳамкорликда кўшма корхоналар ташкил этиш шулар жумласидандир.

Мустақилликка эришган дастлабки давридаги мамлакатимизнинг миллий хўжалиги, жумладан, саноат таркиби юқори технологияга асосланмаганлиги, илмий-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишга етарли даражада йўналмаганлиги ва экстенсив омилларга асосланганлиги билан тавсифланса, ҳозирда интенсив омилларга таянган,

қўшилган қиймат улуши юқори, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, замонавий технологиялар билан жиҳозланган саноат корхоналари кўпайди.

Миллий саноат ривожланишининг янги даврини макроиқтисодий вазият, бозор муносабатларини шакллантириш, таркибий ўзгаришларнинг тавсифи ва саноатлаштириш стратегиясидан келиб чиқиб бир неча босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич [1991-1995 йиллар] мавжуд саноат салоҳиятини сақлаб қолиш, стратегик муҳим аҳамиятга эга хом ашёни казиб олиш ва бирламчи қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ўзак тармоқларни ривожлантириш чора-тадбирлари билан тавсифланади. Бу даврда саноатнинг ўзак тармоқларини жадал ривожлантириш, ички бозорни протекционизм воситалари орқали ҳимоя қилиш, энергия ташувчилари нархини бошқариш орқали асосий саноат ишлаб чиқариш корхоналари рентабеллигини таъминлаш, кичик саноат корхоналарини хусусийлаштириш кабилар амалга оширилди.

Иккинчи босқич [1995-2000 йиллар] иқтисодий мустақиллик асосларини ташкил этувчи саноат тармоқларини устун ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи саноатлаштириш стратегиясини кенг миқёсда амалга ошириш, қайта ишлаш тармоқларига инвестициялар оқимини кўпайтириш, хусусан, машинасозлик, енгил саноат, киме ва озиқ-овқат тармоқларида капитал қўйилмаларни кўпайтириш билан характерланади. Бюджет маблағлари бу даврда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Учинчи босқичда [2000 йилдан бошланган] импортнинг ўрнини босувчи саноат тармоқларини ривожлантириш негизида экспортга йўналтирилган саноат соҳаларини барпо қилиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилган. Бу босқич йирик саноат корхоналарини хусусийлаштириш, давлат корхоналарининг монопол мавқеини чегаралаш, хусусий секторнинг саноатдаги ролининг ошиши, самарасиз фаолият кўрсатаётган саноат

корхоналарини тугатиш жараёнларининг тезлашиши, корхоналарни бошқаришнинг ташкилий тузилмасини ислоҳ қилиш, маҳаллийлаштириш жараёнларининг жадаллашиши билан характерланади.

Айтиш мумкинки, мустақилликнинг дастлабки йилларида иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади макроиқтисодий барқарорликка эришиш ва ижтимоий йўналган бозор иқтисодиётининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат бўлди. Чунки, бу даврда биргина миллий валютанинг жорий қилинмаганлиги иқтисодий-ижтимоий инқироз ва сиёсий беқарорликнинг келиб чиқиши учун етарли омил бўлиши мумкин эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида юқори инфляция даражаси, ишсизлик ва хўжалик алоқаларининг издан чиқиши шароитида иқтисодиётнинг реал секторида, хусусан, саноатда ишлаб чиқариш суръатларини сақлаб қолиш мураккаб муаммо бўлди. Давлат саноат салоҳиятини [аввало моддий-техник] сақлаб қолишга қаратилган сиёсат олиб бориб, ўзак тармоқлар - ёқилғи-энергетика мажмуи ва қишлоқ хўжалигига ўз тасарруфидаги ресурсларни йўналтирди. Саноат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб олинди, уни амалга оширишга киришилди. Бу йўналишлар ёқилғи-энергетика мажмуини жадал ривожлантириш; ҳамда нефт ва газ қазиб олишни кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш; ишлаб чиқариш ва аҳоли учун энг зарур инвестицион ва истеъмол товарларини четдан олиб келишни қисқартиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини маҳаллий саноат имкониятлари негизида қайта ишлашни ривожлантириш; ош тузи, спирт, гугурт каби кундалик эҳтиёж товарларини ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат бўлди.

Иккинчи босқичда саноат сиёсатининг устувор йўналишлари куйидагилардан иборат бўлди:

- илгари хориждан келтирилган асосий хом ашё, бутловчи қисм, ярим тайёр маҳсулотлар ва озиқ - овқатларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

- миллий саноатчиларни бозорга ўтиш даврида таваккалчиликлардан химоя қилиш, уларни қўллаб– қувватлашнинг иқтисодий тизимини яратиш;
- хом-ашё экспортига барҳам бериш ва таннархда қўшилган қиймат улуши юқори бўлган маҳсулотларни экспорт қилишни ривожлантириш;
- юқори технологик тармоқларнинг моддий-техника базасига асос солиш ва ривожлантириш;
- замонавий ишлаб чиқариш, бозор ва молиявий инфратузилмани яратиш, бунда асосий эътиборни алоқа, ахборот алмашиш ва транспорт тизимини ривожлантиришга қаратиш.

Саноатлаштиришнинг бу босқичида жами 600 дан ортиқ янги, стратегик муҳим аҳамиятга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Амалда бу импортнинг ўрнини босувчи саноат корхоналари янги авлодининг яратилаётганлигини кўрсатди.

Иккинчи босқичга хос бўлган энг муҳим натижалар қаторига мамлакатнинг ёқилғи ва дон мустақиллигига эришганлиги, автомобилсозлик тармоғининг барпо этилганлиги киради. Шунингдек, давлат саноат сиёсатининг фаоллашуви, хорижий инвестицияларнинг саноатга кенгроқ жалб қилиниши, пул-кредит ва валюта сиёсатининг импортнинг ўрнини босувчи тармоқларини ривожлантиришга йўналиши кузатилди.

2000 йилдан бошлаб экспортга йўналтирилган саноат тармоқларини ривожлантиришга устуворлик берилди. Бу даврда маҳаллий саноатчиларнинг экспорт имкониятларини ошириш, саноатга хорижий капитал кириб келишини рағбатлантириш, экспорт фаолиятини солиқ, божхона, валюта ва ташқи иқтисодий сиёсат орқали ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилди.

1.1.1-жадвал маълумотлари 1998-2013 йиллар давомида саноатдаги сифат ўзгаришларининг қайси йўналишларида содир бўлганлигини кўрсатмоқда. Шу даврда саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг қўшимча ўсиш суръати йилига 0.1 дан 13.5 фоизгача ортди. Бу йилларда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 17.8 дан 24.2 фоизгача, бу кўрсаткич оралик

йилларда купайиши кузатилмоқда. Саноатнинг жами бандликдаги улуши 1.1 фоизга кўпайган бўлиб, бу саноатнинг кўпроқ меҳнатталаб тармоқларининг ривожланганлигини билдиради.

1.1.1-жадвал

### Ўзбекистон саноатининг миллий иқтисодиётдаги ўрни

Кўрсаткичлар	1998	2000	2002	2004	2006	2008	2010	2012	2013
Саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг кўшимча ўсиши, %	0,1	3,6	4,3	8,5	9,4	10,8	12,1	13,2	13,5
Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши, %	17,8	14,9	14,2	14,3	17,1	22,1	24,0	24,2	24,2
Бандликда саноатнинг улуши, %	12,9	12,7	12,1	10,4	11,2	11,3	11,5	12,7	14,0
Жами капитал кўйилмаларда саноат улуши, %	38	29	24	35,0	32,6	32,1	36,8	37,5	38,7

**Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган**

Саноатдаги инвестицион фаолликнинг ўтган даврда барқарор бўлмаганлиги, саноатнинг сармоя жамғариш ва умумий ички инвестициялардаги улушининг 1998 йилгача ошиб бориши ва кейинги даврда, 2000 йилгача кескин пасайган бўлиб, фақат 2002 йилдан бироз яхшиланганлиги кўринади. Миллий саноат тараққиётидаги бундай ўзгариш пахта ва нодир металлар нархининг тушиши ва унга мос равишда ташқи савдо балансининг, хусусан, экспорт тушумларининг камайиши билан изоҳланади.

Маълумки, саноатдаги иқтисодий ўсиш меҳнат, капитал ва фан-техника тараққиёти каби омилларга бевосита боғлиқ. Иқтисодий ўсишнинг меҳнат ва капитал омилларига корреляцион боғлиқлик даражаси юқори ҳисобланади. Мамлакатимизда ўтган даврда саноат ишлаб чиқариши ҳажми, соҳага жалб қилинган инвестициялар ҳажми ва тармоқда банд бўлганлар сони ўзгариши натижасида таркибий силижишлар рўй берди.

Ўзбекистон саноатида 2013 йилда 29,6 минг ўрта ва йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар ишлаган бўлиб, бу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар салмоғи умумий ишлаб чиқриш ҳажмининг қарийб 97 фоизини ташкил этди. Шу йили саноат корхоналари томонидан 460 га яқин турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозирда саноат тармоқларидаги корхоналар жами сонидан 4,6 фоизи давлат, 95,4 фоизи эса нодавлат саноат корхоналари ҳисобланади. Шунингдек, саноат ишлаб чиқариш ходимларининг 20,5 фоизи давлат ва 79,5 фоизи нодавлат корхоналарида фаолият кўрсатмоқда. Ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида давлат корхоналари 22,6 фоиз, нодавлат корхоналари эса 77,4 фоиз улушга эга ҳисобланади.

Миллий саноат ва унинг соҳалари иқтисодийнинг динамик ўзгаришда бўлган ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари жадал ошаётган тармоқлари ҳисобланади. Айниқса, саноатнинг қора металлургия, нефт ва нефт кимёси, машинасозлик, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги йилларда тез ўсмоқда. Хусусан, 2000-2013 йилларда ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръатлари қора металлургияда 14,5 фоизни, рангли металлургияда қарийб 3,0 фоизни, кимё ва нефт кимёсида 8,1 фоизни, машинасозликда 18 фоизни, енгил саноатда 9,8 фоизни ва озиқ-овқат саноатида 9,4 фоизни ташкил этди.

## 1.2.2-жадвал

### Ўзбекистонда саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш индекси динамикаси [ўтган йилга нисбатан фоизда]

Тармоқлар	2000	2002	2004	2006	2008	2011	2012	2013
Саноат, жумладан	105,9	108,3	106,2	109,4	107,3	110,8	112,1	112,8
Електр энергияси	101,1	101,5	101,8	100,3	98,3	102,2	102,2	102,2
Ёқилғи	99,7	102,4	100,6	105,8	98,7	103,7	105,1	106,2
Қора металлургия	118,7	104,3	109,1	128,5	108,3	102,8	102,2	102,8
Рангли металлургия	102,5	105,9	99,0	105,0	97,4	105,5	105,1	105,8
Кимё ва нефт кимёси	112,7	114,2	105,2	104,5	109,6	105,4	105,2	105,2
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	89,5	108,9	130,8	134,5	129,7	108,7	108,3	108,5

Қурилиш материаллари	104,3	102,2	104,3	108,2	111,0	104,7	106,5	108.2
Енгил саноат	117,0	109,0	106,2	105,2	108,0	113,7	112,9	114.3
Озиқ-овқат	108,5	119,2	106,8	104,7	111,2	109,2	108,0	110.2

**Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган**

Умуман олганда, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг йиллик қўшимча ўсиши суръати бу йилларда ўртача 7-8 фоиздан иборат бўлди. Иқтисодий модернизация килиш шароитида мамлакатимизда чуқур таркибий силжишлар ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда саноат ишлаб чиқаришини янада жадалроқ ривожлантириш имкониятлари айниқса, енгил, ёқилғи-энергетика, киме ва нефт кимёси, озиқ-овқат ҳамда машинасозлик соҳаларида мавжуд.

Миллий саноат ривожланишининг иқтисодий аҳамияти асосан унинг иқтисодий ўсишни таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, қўшилган қиймат яратиш ва миллий бозорни инвестицион ва истеъмол товарлари билан тўлдиришдаги роли билан белгиланади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида саноатнинг кўпроқ хомашёни қазиб олувчи, қайта ишловчи ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи соҳалари устун ривожланди. Бунинг натижасида ёқилғи мустақиллиги таъминланди, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш даражаси ортти, ички истеъмол бозори маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари билан тўйинтирилмоқда.

Кейинги йилларда истеъмол товарлари ҳисобланган гилам ва гилам материаллари, пайпоқлар, сут ва сут маҳсулотлари, консерва, ун ва ун маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ва макорон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Аммо истеъмол товарларининг қатор турларини ишлаб чиқаришда барқарор тенденция кузатилмайди. Хусусан, пахта газламалар, ипак газламалари, трикотаж буюмлари ва поябзаллар, шакар, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми пасайиш тенденциясига эга.

Саноат ишлаб чиқаришида мамлакатимизнинг ҳудудлари ўзига хос ўрин тутади. Ҳудудларда минерал-хом ашё ресурсларининг нотекис

жойлашганлиги, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, тадбиркорлик ва хусусий секторнинг таракқиёт даражаларига кўра саноат ишлаб чиқариши турлича ривожланмоқда.

Маълумки, таркибий ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишини ва иқтисодиётдаги ролини ифодаловчи муҳим жараён бўлиб, унинг натижасида ишлаб чиқариш такомиллашади ва тармоқларнинг жами ишлаб чиқаришдаги салмоғи ўзгаради. Таркибий ўзгаришлар такрор ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ва технологик тузилишини ҳам қамраб олганлиги сабабли ялпи ички маҳсулотнинг сифат жиҳатидан ўзгариши таъминланади. Ўзбекистонда миллий саноатнинг таркибий тузилиши мустақиллик даврида кескин ўзгарди. Бундай ўзгаришнинг асосий шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат бўлди:

- мамлакатнинг сиёсий мустақилликни қўлга киритиши; бу давлат миқёсида, туб иқтисодий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, янги таркибий сиёсат юритиш имконини берди;

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига қўшилиш жараёни бошланиши; илгари ягона иттифоқ хўжалигининг хом ашё базасига айланган Ўзбекистон жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатлари билан савдо ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйди. Бу мамлакатнинг хом ашё ва меҳнат ресурсларидан хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда фойдаланиш учун шарт-шароит яратди;

- мамлакатда бозор ислохотларининг амалга оширилиши; бозор муносабатларининг шакллантирилиши ва хусусий мулкчиликнинг ривожланиши ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишнинг таркибий жиҳатдан ўзгаришига олиб келмоқда. Аҳоли ва фирмалар ресурсларининг саноат ишлаб чиқарилишига жалб қилиниши таркибий ўзгаришларнинг иқтисодий самарадорлигини оширмоқда.

Миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналиши саноатдаги ўзгаришлар ҳисобланади. Саноатда янги технологияларнинг ўзлаштирилиши ва янги корхоналарнинг қурилиши қишлоқ хўжалиги ва

хизмат кўрсатишда ҳам ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашиши ҳамда меҳнат унумдорлигининг ошишини таъминлайди.

Саноат корхоналарининг аксарияти, дастлаб импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналган бўлса, кейинчалик уларнинг экспорт стратегиясини амалга ошириш, халқаро бозорга рақобатбардош маҳсулотлар билан чиқиш тенденцияси кучайди.

Ўзбекистонда саноат тараққиёти жараёнига ижобий таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланганлиги;
- меҳнат қобилиятига эга ёшларнинг меҳнат ресурслари таркибида юқори улушга эгалиги;

- ахборот, билим ва замонавий технологияларни ўзлаштириш шарт-шароитларидан бири ҳисобланган оммавий саводхонликнинг таъминланганлиги;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига яроқли ер фондининг етарлилиги ва юқори деҳқончилик маданияти;

- шаҳарлашишнинг ривожланаётган мамлакатларга нисбатан юқори даражаси ва ижтимоий инфратузилма асосларининг мавжудлиги;

- мамлакатнинг табиий ва минерал-хом ашё ресурслари йирик захираларига эгалиги;

- миллий саноатнинг кўп тармоқлилиги;

- илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш имкониятини берувчи интеллектуал салоҳиятнинг мавжудлиги.

Ўзбекистонда миллий саноатнинг жадал ривожлантирилишига акс таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш саноат тараққиётини суръатларини оширади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин;

- миллий бозорнинг торлиги, корхоналар ва аҳоли тўлов қобилятининг пастлиги;

- иқтисодиёт, хусусан, саноат тармоқларининг бир-бирига уйғун ривожланмаганлиги, тармоқлараро меҳнат тақсимоти, ихтисослашиш ва интеграциянинг мақсадга мувофиқ эмаслиги;

- хусусий сектор молиявий, инвестицион ва илмий-техник салоҳиятининг йирик саноат лойиҳаларини амалга ошириш учун етарли эмаслиги;

- саноатнинг айрим тармоқларида инновацион фаолиятнинг яхши ривожланмаганлиги, илғор инновацион янгиликларнинг саноат баъзи корхоналарида кам жорий этилиши;

- саноатда давлат ва хусусий секторнинг ўзаро иқтисодий муносабатлар тизими ривожланишидаги айрим муаммолар;

- саноатлашиш жараёнини давлат томонидан бошқариш механизмининг такомиллашмаганлиги;

- бозор инфратузилмасининг саноатни жадал ривожлантириш талабларига мос ривожланмаганлиги;

- минтақавий интеграцион алоқалар, хусусан, ҳудудий бозорларнинг ривожланишидаги айрим муаммолар;

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимига заиф интеграциялашганлиги ва халқаро бозордаги кескин рақобат;

- мамлакатнинг географик жиҳатдан анклав жойлашганлиги, ривожланган бозорлардан узоқлиги, денгиз йўлларига чиқиш имкониятлари ва шарт-шароитларининг торлиги.

Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни саноатлаштиришнинг муҳим ташкилий-иқтисодий йўналишларидан бири давлат томонидан кичик саноат шаҳарчалари, ташкилий саноат ҳудудлари ва эркин савдо-иқтисодий ҳудудларининг шаклланиши ва ривожланишини рағбатлантиришдан иборат. Бу саноат сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланиши билан бирга, соҳадаги технологик-инновацион тараққиётнинг жадаллашишига ҳам самарали таъсир қилиши шубҳасиз. Бу борада мамлакатимиз ҳукумати томонидан мактовга сазовор куплаб ишлар амалга оширилмоқда. Навоий вилоятида эркин саноат

иктисодий ҳудудининг ташкил этилиши бунинг яккол исботидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги 4059-ПФ фармойишига мувофиқ - "Навоий" эркин саноат-иктисодий ҳудуди ташкил этилди.- "Навоий" эркин саноат- иктисодий ҳудудининг амал қилиш муддати кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йил деб белгиланди. -ЕСИХ амал қилиш муддати давомида унинг ҳудудида махсус божхона, валюта ва солиқ режимлари, кириш, яшаш ва чиқиш, шунингдек, нерезидент-фуқаролар учун меҳнат фаолияти билан шуғулланишнинг соддалаштирилган тартиби амал қилади;

- Махсус солиқ, валюта ва божхона режимларини ҳам ўз ичига олган махсус ҳуқуқий режим ЭСИХ дирекцияси томонидан рўйхатга олинган хўжалик субъектлари томонидан ЭСИХ ҳудудидагина амалга оширилаётган фаолият учун тааллуқли;

- ЭСИХ фаолиятини мувофиқлаштириш ва оператив бошқариш мос равишда давлат органлари вакилларида тузиладиган Маъмурий кенгаш ва ЭСИХ дирекцияси томонидан амалга оширилади. Маъмурий Кенгашнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. "Навоий" ЭСИХда рўйхатдан ўтган хўжалик субъектлари киритган тўғридан-тўғри инвестицияларининг ҳажмига қараб, қуйидаги муддатларга ер, мулк, даромад, ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиқлари, ягона солиқ тўлови [кичик корхоналар учун], Республика йўл фонди ва мактаб таълими фондига мажбурий тўловлардан озод қилинади:

- 3 млн. евродан 10 млн. еврогача — 7 йилга;

- 10 млн. евродан 30 млн. еврогача — 10 йилга. Кейинги 5 йилда даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови жорий ставкадан 50% паст даражада белгиланади.

- 30 млн. евродан кўпроқ бўлса — 15 йилга. Кейинги 10 йилда даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари жорий ставкадан 50% паст даражада белгиланади. СИХда рўйхатдан ўтган хўжалик субъектларига қуйидагилар учун рухсат берилади:

- ЭСИХ чегарасида ҳисоб-китоб ва тўловларни ўзаро шартнома ва келишувлар асосида хорижий валютада амалга ошириш;
- бошқа хўжалик субъектлари - ЎзР резидентлари томонидан етказиб берилган товар, иш ва хизматлар учун тўловларни эркин конвертирланувчи валютада амалга ошириш;
- экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотлар учун тўлов ва ҳисоб-китобларнинг ўзлари учун қулай шакл ва шартларидан фойдаланиш.

ЕИХ — жаҳон амалиётида 50- йиллар боши ва 60-йиллар охирида пайдо бўлган хўжалик фаолиятини ташкил этишнинг нисбатан янги шакли. Улар, айниқса, Хитой, Болгария, Италия, Венгрия, Полшада фаол яратилмоқда ва амал қилмоқда.

## **1.2. САНОАТНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚУЛЛАБ ҚУВВАТЛАНИШИ.**

Саноат республикамизнинг миллий махсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Саноат узининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви билан бошқа соҳа ва тармоқлардан ўз афзаллиги билан тубдан фарқ қилади. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи тармоғи бўлиб, унинг ривожланиши миллий иқтисодийнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади ва қуйидаги афзалликлар билан ифодаланади:

Биринчидан, саноат моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бирламчи тармоғи бўлиб, истеъмол товарлари бозори қонъюнктурасини миллий ва жаҳон бозоридаги мавқеини таъминлайди. Натижада бозорлар истеъмол товарлари билан тулади, аҳоли эҳтиёжлари қондирилади ва миллий иқтисодийнинг пул айланиши даражасига узининг ижобий таъсирини қўрсатади.

Иккинчидан, саноат қўшимча қиймат яратишга қаратилган иқтисодийнинг улкан локомотивидир. Саноат соҳасида қазиб олинган, экиб ўстирилган барча ресурсларни қайта ишлаш, улардан янгидан-янги махсулотлар ишлаб чиқариш, ассортимент ва номенклатуранинг қўпайиши ҳисобига диверсификациялашув жараёнлари такомиллашади.

Мамлакатимиз саноат қорхоналари томонидан ўтган йили 200 дан ортиқ турдаги янги товар ва махсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизида “Спарк”, “Малибу”, “Арландо” енгил автомобилларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, қатта ҳажмда юк ташийдиган “MAN” автомобиллари, энергия тежайдиган лампалар, “LG” русумидаги жаҳонга машҳур музлатгичларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим махсулотларни

ишлаб чиқариш бошлаб юборилди<sup>3</sup>.

Учинчидан, саноат тармоги йирик ишлаб чиқариш институти булиши билан биргаликда, аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш жойларини ташкил этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сунгги йилларда республикамиздаги жами меҳнат ресурсларининг қарийб 14 фоизи шу соҳада банд булган ишчи-ҳодимлар ҳисобланади. Саноат тармогини иш билан бандликни оширишдаги яна бир муҳим хусусияти қайта ишлаш ва қушимча қиймат яратишдаги фаоллиги ҳисобига юзага чиқади. Яъни, қайта ишловчи корхоналарнинг қулайлиги ва қушимча қийматни ортгани сари саноатда ҳам банд булган ҳодимлар сони ортаверади. Бундан қуринадики, қушимча қиймат ва қайта ишлашнинг усиши билан саноатда банд булган ҳодимлар сонининг узгариши уртасида тугри пропорционал боғлиқдик мавжуд.

Туртинчидан, саноат жаҳон иқтисодиётида иштирок этаётган давлатлар уртасидаги иқтисодий интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш ва халқ ҳужалиги тармоқлари уртасидаги мувозанатни таъминлашга ёрдам беради. Натижада, барча мамлакатларнинг табиий, меҳнат ва молиявий ресурслари, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари юзага келади.

Саноатни модернизация қилиш жараёнида тартибга солишнинг турли восита ва механизмларидан фойдаланган ҳолда давлатнинг актив роли сақланиб қолди ва босқичма босқич ривожланиш амалга оширилди.

*Биринчи босқичда (1991-1995 йй..)* давлатнинг сиёсати хом-ашё, казиб олиш ва бошқа импорт урнини босувчи стратегик аҳамияти юқори булган ишлаб чиқаришни қуллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилди. қуйидаги вазибалар белгилаб олинди: саноатнинг асосий тармоқларида жадал ривожланишни таъминлаш; ташқи иқтисодий фаолиятда протекционистик чора-тадбирларни сақлаб қолиш, ички бозорни ҳимоялаш; энергия ва ёқилти нархларни ушлаб туриш орқали асосий ишлаб чиқаришда рентабелликни

---

<sup>3</sup>Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараккиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мулжалланган энг муҳим устувор йуналишларга бағишланган Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сузи, №16, 2011 йил, 22 январь.

ошириш; йирик саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини жадаллаштириш.

*Иккинчи босқич (1996-2000 йй..)* саноатда олиб борилаётган ислохотлар қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш мақсадида инвестицияларни жалб қилишга қулай шарт-шароитларни яратишга йуналтирилди. Таркибий узгаришларни таъминлаш экспортга йуналтирилганлик ва импорт урнини босиш дастурлари ва лойиҳалари орқали таъминлаб турилди. Инвестицион оқимлар машинасозлик, енгил, озиқ-овқат ва кимё саноатига йуналтирилди. Давлат бюджетидан ажратиладиган инвестициялар саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга таъсир қиладиган энг асосий манбаларидан бўлди.

*Учинчи босқич (2000-2004 йй.)* ислохотларнинг асосий йуналишлари йирик корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, давлат мулки монополиясини чеклаш ва хусусий сектор улушини оширишга йуналтирилди. Бу вақтга келиб банкротлик ҳолатидаги ва самарасиз ишлаётган корхоналарни тугатиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида қатъий чора-тадбирлар қулланилди. Валюта сиёсатининг эркинлаштирилганлиги ва фискал йитимларнинг камайтирилганлиги корхоналарнинг шахсий маблатларининг қупайишига олиб келди. Ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилиши хом-ашё ва бутловчи қисмларнинг импортини сезиларли даражада қисқартирди.

Мустақиллик йиллари мобайнида саноатни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг асосий натижалари қуйидаги тенденцияларда уз аксини топди:

- институционал узгаришлар саноатда қуп укладли иқтисодий шаклланишига, хусусий сектор улушининг ошишига олиб келди. Эришилган натижалар қуп жиҳатдан мажмуалар ва алоҳида тармоқлар бошқарувининг ташкилий тизимини тубдан ўзгартиришга қаратилган маъмурий ислохотларни амалга оширилганлиги билан ҳам боғлиқ;

Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Бунинг самараси Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма икки йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсганлиги, аҳоли даромадлари эса кейинги уч йилда 3 баробар кўпайганлигида ёрқин акс этмоқда.

Дарҳақиқат, ўтган даврда иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида жадал ривожланиш жараёнига, турмушимиз тобора яхшиланиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Аҳоли турмуш даражаси мамлакат раванқини белгиловчи асосий омиллардан бири эканлигини инобатга олсак, бундай ижобий ўзгаришлар нақадар аҳамиятли эканлигини англаш қийин эмас. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш борасида изчил амалга оширилаётган ислохотлар ички бозорни ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар билан таъминлаш баробарида, уларни экспорт қилиш имкониятини ҳам кенгайтираётир. Бунда, айниқса, президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори[2.6.] муҳим дастуриламал бўлаяпти.

Пировардида бугунги кунга келиб, маҳаллийлаштириш жараёни, том маънода, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб қилишни жадаллаштириш, мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, иш ўринларини яратиш, асосийси,

корхоналарнинг ташқи таъсирларга боғлиқлигини камайтирувчи тизим сифатида такомиллашмоқда.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жихатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтirmoқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотларимиз таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги [2008 йил 28 ноябр] 4058- сонли Фармонида[2.12.] муҳим чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди. Мамлакатимиз саноат тармоқларини жадал ва барқарор ривожлантириш, уларнинг экспорт салоҳиятини устириш, ишлаб чиқариш корхоналарини техник ва технологик жихатдан қайта куруллантириш, ички бозорни миллий корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлаш, мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш асосида саноатнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини янада оширишга эришиш мумкин. Бу борада Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устивор юналишлари тугрисида»ги[2.7.], 2011 йил 29 июлдаги «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш буйича 2011-2013 йилларга мулжалланган чора-тадбирлар тугрисида»ги Қарорлари[2.6.] муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда уларни соғломлаштириш тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, узоқ давр мобайнида сифациз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш иқтисодиётнинг соғломлигига жиддий путур етказиши мумкин. Бундай корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини таркибий ўзгартириш орқали қайта тузиш бу борадаги энг тўғри ва самарали ечим ҳисобланади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонида[2.10.] кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши[2.14.] билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар [кўмаклар] берилган эди.

Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим йўналишлардан яна бири – бу саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнидир.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш – саноат ишлаб чиқаршининг турли босқичларида импорт шаклида харид қилиш орқали қўлланилувчи деталлар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йуналишлари туғрисида”ги 2010 йил 21 декабрдаги ПК-1442-сонли қарорига асосан, 2011-2015 йиллар учун умумий қиймати 47,5 млрд.АҚШ доллари миқдорида 519 та лойиха тасдиқланди. Бундан умумий қиймати 5,58 млрд.АҚШ долларига тенг бўлган 334 лойихани 2011 йилда амалга ошириш белгилаб олинган. 2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Шу билан бирга, саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича қуйидаги 12 та тармок дастурларини амалга ошириш Хукумат даражасида белгилаб қуйилган:

1. Пахтани қайта ишлаш саноати (129,7 млн.долл.миқдоридаги 41 лойиха).
2. Туқимачилик саноати (477,7 млн.долл.га 65 лойиха).
3. Ёғ-мой саноати (31,7 млн.долл.га 63 лойиха).
4. Кимё саноати (291,7 млн.долл.га 30 лойиха).
5. Автомобилсозлик саноати (255,1 млн.долл.га 26 лойиха).
6. Қурилиш материаллари саноати (343.1 млн.долл.га 36 лойиха).
7. «Ўзметкомбинат» (49 млн.долл.га 9 лойиха).
8. Фармацевтика саноати (26,5 млн.долл.га 45 лойиха).
9. Навоий ТМК (1068.0 млн.долл.га 29 лойиха).
10. Олмалик ТМК (798.0 млн.долл.га 15 лойиха).
11. Кишлоқ хужалиги машинасозлиги (28 млн.долл.га 13 лойиха).
12. Темир йуллар (2724.0 млн.долл.га 23 лойиха).

Саноат тармогини юқорида келтириб утилган, узига хос афзалликларидан ташқари, ижтимоий меҳнат тақсимотини рағбатлантириш, бозор рақобатини ривожлантириш каби бир қатор устувор тарафлари ҳам мавжуд.

Республикамизда, саноат ривожланиши ва халқ хужалигининг энг етакчи тармогига айланиши учун барча ресурс ва захираларимиз етарли. Бу борада бугунги кунда, илдам суръатлар билан усишда давом этаётган ёқдлги-энергетика, кимё саноати, озик-овкат ва енгил саноат, фармацевтика ва коғоз-целлюлоза саноати ҳамда кора ва рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик каби унлаб тармок ва юзлаб саноат сохалари мамлакат иктисодиётининг жахон бозоридаги урнини янада мустахкамланишига узининг улкан хиссасини кушиб келмокда. Айникса, республикамиз мустакилликни кулга киритганидан сунг, аграр давлатдан эркин индустриал ривожланган давлатга утиш борасида амалга оширилган иктисодий ва таркибий сиёсат тула узини оклади, дейишга барча асослар етарли.

### **1.3. Саноат тармоғининг ривожланиш тенденциялари.**

Ўзбекистон Республикасида барқарор иқтисодий узиш куп жиҳатдан саноатни ривожлантиришга боғлиқ. Саноатни ривожланиш даражасига караб иқтисодий узишни барқарорлигини белгилаш мумкин.

Саноатнинг ривожланиши куйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим:

- табиий-ресурс салоҳиятидан имконият даражасида тулик ва самарали фойдаланиш;
- таркибий ва институтционал узгаришларнинг самарадорлигини ошириш;
- ички бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун имкониятларни бериш, рақобатбардошликни ошириш ва уларга ташки бозорга чиқиш учун кулайликлар яратиш;
- янги турдаги маҳсулотлар ва технологиялар ишлаб чиқариш учун мамлакат илмий-техникавий салоҳиятидан фойдаланиш.

Бозор узгаришлари жараёнларининг таҳлили, ислоҳотлар олиб борилган йиллар мобайнида саноатда сезиларли таркибий узгаришлар юз берганлигидан далолат беради. Бу узгаришлар аввало, давлат мустакиллиги ва даҳлсизлигини таъминлашга, иқтисодий, шу билан бир каторда энергетика ва озик - овқат ҳавфсизлигини таъминлашга, бой табиий иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланишга йуналтирилган эди.

Мустакиллик йиллари мобайнида саноатни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг асосий натижалари куйидаги тенденцияларда ўз аксини топди:

Институционал ўзгаришлар саноатда кўп укладли иқтисодиётни шаклланишига, хусусий сектор улушининг ошишига олиб келди. Саноат ишлаб чиқаришида нодавлат секторининг улуши 1991 йилда 10,0%дан 2013 йилда 80,8%гача, кичик тадбиркорлик улуши эса мос равишда 2,0%дан 36,6%гача ортди. Эришилган натижалар куп жиҳатдан мажмуалар ва алоҳида

тармоқлар бошқарувининг ташкилий тизимини тубдан узгартиришга қаратилган маъмурий ислохотларни амалга оширилганлиги билан ҳам боғлиқ;

Ислохотларнинг иккинчи босқичидан бошлаб саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш усиши таъминланди. Шундай қилиб, 1995-2013 йилларда Ўзбекистонда саноат ҳажмининг усиши 124,2%ни ташкил этди. (МДХнинг бошқа мамлакатлари билан солиштирганда бу кўрсаткич: Россияда - 112,0%, Қозоғистонда - 102,0%, Украинада - 110,0%га тенг бўлди

Таркибий усиш саноатнинг асосий тармоқлари - ёкилги, энергетика каби мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи соҳаларда уз аксини топди. Ёкилги-энергетика мажмуининг саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши мустақиллик йилларида 6,5% дан 21,1%га усди;

- саноатда таркибий узгаришлар таянч тармоқлардаги усиш ҳисобига таъминланди. 1996 йилдан бошлаб саноатдаги таркибий узгаришлар қайта ишлаш тармоқлари томонга узгарди;

- аҳоли томонидан мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг истеъмолли 60,0% дан 90,0%га ортди;

экспортда саноатнинг улуши 38,0%дан 70,1%га ортди, шу билан бир қаторда пахта толаси экспорти 1991 йилда 48,5%дан 2013 йилда 20,0%га қисқарди. Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий сальдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

- Сўнги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгади.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Жамғарманинг ўтган қисқа даврдаги фаолияти давомида 153 та тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион доллардан зиёд бўлган экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда саноат ривожланаётган тармоқ ҳисобланиб, унда юздан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бундай улкан ишлаб чиқариш салоҳияти мустақиллик йилларида тубдан узгарди ва маълум турдаги маҳсулотлар буйича ҳар қандай хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади. Ҳам ички, ҳам ташқи бозорга асосий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда саноат тармоқларида юз берган таркибий узгаришлар ҳисобига эришилди.


Ижобий узгаришлар саноатнинг ривожланиши ишлаб чиқариш таркибий курсаткичларининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлади. ЯИМда саноатнинг улуши (1.3.1- чизма), маҳсулотлар ҳажмининг йиллик ўсиш суръатларининг ўсиши.

### **1.3.1.-диаграмма**

#### **Саноатнинг 1998-2013 йилларда ривожланиш динамикаси<sup>4</sup>**

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республика Давлат статистика қўмитаси маълумотлари




Охирги беш йил мобайнида саноат улушининг ЯИМдаги улуши даражаси 7-8% бўлиб келмоқда.

### 1.3.2 - диаграмма

#### Саноатнинг хом ашё тармоқлари ривожланиш динамикаси

2000-2013 йиллар




2001 йилдан бошлаб, саноат таркибида ёкилри, рангли ва кора металлургия каби саноатнинг хом ашё соҳаларида ишлаб чиқариш орта бошлади (1.3.2.- чизма). Мос равишда қайта ишлаш саноатининг хусусан, машинасозлик ва озик-овқат тармоқлари улушининг кискариши кузатилди (1.3.3.- чизма). Хом- ашёга йуналтирилганлик даражаси 50,6%га яқинни ташкил этади (таккослаганда индустриал ривожланган давлатларда 33,0%).

### 1.3.3-диаграмма

#### Саноатни қайта ишлаш тармоқларининг ривожланиш динамикаси

2000 – 2013 йиллар



Саноат тармоқларидаги техник тараққиётнинг ривожланиш даражасининг меҳнат унумдорлиги ва фонд курсаткичларидан фойдаланган ҳолда ялпи ба<sup>о</sup>ланиши куйидагиларни курсатди (1.6 чизма):- саноатнинг бошқа тармоқ ва секторларини ривожланишини таъминлаш учун хом-ашё секторининг сало<sup>о</sup>иятини ошириш мақсадида инвестицион ресурсларининг катта қисмини унинг техникавий қуроллантиришга йуналтирилганлиги туфайли юқори даражага ёқилти-энергетика, қора ва рангли металлургия тармоқларида эришилган; - қайта ишлаш секторида - меҳнат ва капиталнинг энг юқори даражасига янги тармоқлар булмиш - автомобилсозлик ва э<sup>а</sup>тиёт қисмлар ишлаб чиқаришда эришилди. Саноат тармоқларидаги уртача усиш самарадорлик даражаси самолётсозлик ва электротехника саноатида қузатилди. Бу эса, уз навбатида, машинасозлик саноати юқсалиш потонасига эришиб, ички ва ташқи бозорга ма<sup>а</sup>сулот етказиб бериш имкониятлари етарли деган хулоса қилишга имконият беради. Тармоқнинг жаҳон бозорига чиқиши нафакат ижобий, балки табиий ҳол <sup>а</sup>исобланади.

Саноатнинг барқарор усишини таъминлашнинг асосий муаммолари:

- саноатнинг умумий ҳажмида машинасозлик улушининг пастлиги;
- саноатнинг қайта ишлаш тармоқлари қорхоналарининг техник ва технологик даражаси орқада қолиши (асосий фондларнинг жисмоний эскириши уртача 53.2%ни ташкил этмоқда);
- қайта ишлаш саноати жумладан, машинасозлик, қимё, озиқ-овқат соҳаларининг тула қувват билан ишламаётганлиги;
- асосий капиталнинг маънавий ва моддий эскириши, ресурсларнинг тежалмаслиги ва эскирган технологиялардан фойдаланиш бугунги кунда ишлаб чиқариш жараёнига мавжуд қувватларни жалб этишга тусқинлик қилмоқда;
- моддий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги. Моддий ва энергия қирими курсаткичлари жақон даражасидан 2,0-2,5 марта юқори;

- махсулотларнинг янги ракобатбардош турлари кам узлаштирилаётганлиги ишлаб чиқариш даражаси ва экспортнинг усишига тускинлик килмокда.

Таҳиллар шуни кўрсатдики кора ва рангли металлургия, ёкилри - энергетика мажмуаларидаги 2013 йилда ишлаб чиқарилган қушилган киймат ва тармоқларда 1998-2013 йилларда қирилган капитал жамғармалардан фойдаланиш кўрсаткичлари самарадорлиги умумреспублика кўрсаткичларидан юкори. Улар саноатдаги сифат усишида муҳим урин тутуди.

Енгил саноатда техник тараккиёт даражаси пахтани қайта ишлаш ва туқимачилик тармоқларида юкоридир. Бундай курсаткичга эришиш хорижий фирмалар билан қушма қорхоналарнинг имкониятларини кенг жалб этган ҳолда туқимачилик саноатини ислоҳ қилиш орқали эришилди. Туқимачилик саноатига хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ва техник қуролланиш даражасининг усиши тармоқнинг экспорт қувватини оширишга имкон берди.

Озик овқат саноатининг янги барпо этилган - шақар, тамаки, урни қайта ишлаш ва қайта ташқил этилган ёр-мой тармоқларида мекнат ва капиталдан фойдаланиш буйича усиш саноатдаги уртача усиш суръатларидан юкори бўлди.

Меҳнат ва капиталдан фойдаланишнинг самарадорлигини паст даражаси қимё саноатининг барча тармоқларида (лок-буёк соқасидан ташқари) ва озик-овқат саноатининг айрим тармоқларида қузатилмокда. Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг алоқиди турлари ракобатбардошлиги даражаси, нархлар тафовути, ишлаб чиқариш рентабеллиги ва экспорт курсаткичлари ҳисоб-қитоби, шунингдек, товарларга ички ва ташқи талабни урганиш асосида амалга оширилди (1.3.1-жадвал).

### 1.3.1- жадвал.

## Саноат махсулотлари асосий турпарининг нарх ракобатбардошлиги ва экспортнинг самарадорлиги

Махсулотлар номи	Махсулотнинг ракобатбардошлик индекси $I_k = \frac{Цэ/Цм}{Цэ/Цо} < 1; = 1$				Экспорт самарадорлиги индекси $Цэ = \frac{Цэ}{Цо} > 1; = 1$			
	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.
<b>Ёкилги-энергетика мажмуи</b>								
Табиий газ	0,49	0,57	0,57	0,57	1,33	2,20	3,00	2,64
Автомобил бензини	0,76	0,70	0,51	0,51	0,47	0,49	0,52	0,62
<b>Кимё мажмуаси</b>								
Аммиак селитраси	1,03	1,04	1,03	1,18	1,06	1,32	1,50	1,27
Суперфосфат	1,00	1,00	1,00	1,00	5,90	6,45	9,35	1,55
Нитрон толаси	1,00	1,00	1,00	1,00	0,36	0,47	0,65	0,60
Ацетат иплари	1,00	1,00	1,00	1,00	0,24	0,29	0,34	0,36
Лак буюк махсулотлари	0,63	0,67	0,67	0,67	0,25	0,36	0,52	0,62
<b>Машинасозлик мажмуаси</b>								
<b>Кишлоқ хужалиги машинасозлиги</b>								
Тракторлар	0,74	0,88	0,69	0,53	0,48	0,52	0,87	1,06
Культиваторлар	0,83	0,87	0,88	0,70	0,85	0,90	1,06	0,95
Сеялкалар	0,93	0,98	1,00	1,00	1,03	1,44	2,04	1,87
Урим машиналари	1,00	1,00	1,00	1,00	0,83	1,32	2,05	2,19
<b>Автомобилсозлик мажмуаси</b>								
Автобуслар	0,56	0,56	0,56	1,00	0,30	0,44	0,57	0,73
Енгил автомобиллар								
"Нексия"	0,64	0,61	0,55	0,60	1,00	1,01	0,60	0,59
<b>Курилиш материаллари саноати</b>								
Цемент	0,35	0,34	0,34	0,34	0,79	0,87	1,08	0,85
<b>Енгил саноат</b>								
Пахта толаси	0,89	1,05	1,13	1,00	1,12	1,24	1,47	1,32
Тайёр пахта толаси махсулотлари	0,95	1,00	1,00	1,00	0,50	0,56	0,71	0,77
Тайёр ипак махсулотлари	0,93	1,00	1,00	1,00	0,30	0,24	0,24	0,53
<b>Озиқ овқат саноати</b>								
Узум виноси, шампан виноси,	1,00	1,00	1,00	1,00	0,27	0,32	0,31	0,43
Арок махсулотлари	1,00	0,97	1,00	0,98	0,41	0,47	0,89	1,41
Мева сабзавот консервалари ва	0,95	0,96	0,92	0,92	1,24	1,55	2,03	2,20

Манба: УЗР Давлат Статистика Кумитаси маълумотлари асосида СИСМ ҳисоблари

$I_k$  - ракобатбардошлик индекси,  $Цэ$  - махсулотнинг экспорт нархи,

$Цм$  - махсулотнинг жаҳон бозоридаги нархи,  $Цо$  - улгуржи нарх

Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, махсулотларнинг ракобатбардошлиги ва экспортнинг юкори даражаси буйича асосан пахта толаси, табиий газ каби хом-ашё мажмуи товарлари устун туради.

Оҳирги йилларда саноат тарморининг ривожланиши натижаларининг таҳлили куплаб ишлаб чикариш корхоналари бозор шароитига мослашганлигини ва давлат кумаги ёрдамида юкори самарали ишлаб чикаришни йулга куйганлигини курсатмокда. Шу билан бирга, саноатда кузатилаётган усиш омиллари ва манбаларининг нобаркарор характерини курсатувчи муаммолар юзага келди. Улар узбек товарларининг жаҳон бозорига чикишига тускинлик килмокда ва мамлактнинг ЖСТга аъзо булиш жараёнида жиддий муаммолар туғдириши мумкин. Юзага келган муаммолар саноат ишлаб чикаришини сифат курсаткичларини оширишни талаб этади.

Бундан шундай хулоса келиб чикадики, Узбекистон саноати ривожланишининг асосий макседи, нафакат ушбу иктисодиёт секториди усиш суръатларини оширишга интилиш, балки бой табиий ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш оркали устивор тармоклар ва ишлаб чикаришни ривожлантириш, унинг замонавий таркибини шакллантириш, ташки ва ички бозорди мамлакат саноати ракобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш учун чора-тадбирлар мажмуини шакллантиришдан иборат. Стратегик йуналиш саноатни экспортга йуналтирилган таркибини вужудга келтириш ва экспортди хом-ашёга нисбатан чукур кайта ишланган маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобланди.

## **2-БОБ. Ўзбекистонда минтақа саноатини ривожлантиришнинг асосий омиллари ва йуналишлари.**

### **2.1. Минтақада саноат ишлаб чиқариши динамикаси таҳлили.**

Саноат - Ўзбекистон иқтисодиёти индустриал секторнинг етакчи бўғини, моддий ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаларидан бири. Республика саноати, энг аввало, миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқлари-пахтачилик, ипакчилик, мевачилик, қоракўлчилик талаб-эҳтиёжлари заминида вужудга келди ва ривож топди. Мустақиллик йилларида саноат ҳам иқтисодий-ижтимоий янгиланиш йўлида ривожланди. Ислохотлар натижасида саноат тармоқларида хилма-хил мулкчилик ва хўжалик юритишнинг бозор усуллари қарор топди. 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда ишлаб турган саноат корхоналари сони 35,5 мингтани ташкил этди. Уларнинг 14,0 % давлат корхоналари, 86,0% нодавлат мулкига қарашли корхоналардир. Давлат корхоналари унитар корхоналар шаклида, нодавлат корхоналар кичик ва ўрта корхоналар, акциядорлар жамияти, турли кооперативлар ва уюшма - ассоциациялар ва қўшма корхоналар шаклида фаолият юритади. Нодавлат саноат секторига булардан ташқари саноат фаолияти билан шуғулланувчи якка ишлаб чиқарувчилар ҳам киради. 2013 йил бошида нодавлат корхоналарида 645 минг, давлат корхоналарида 151,8 минг ишчи ва хизматчилар банд бўлди. Саноатнинг базавий тармоқларида газ, нефть, кўмир, бензин, дизель ёқилғиси, пўлат, мис, олтин, автомобиллар, самолётлар, тракторлар, пахта териш машиналари, электродвигателлар, транспортёрлар, аккумуляторлар, кранлар, экскаваторлар, қурилиш моллари, минерал ўғитлар, турли кислоталар, қурилиш материаллари каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Саноатнинг халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқарадиган енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида устбош кийимлар, оёқ кийимлари, трикотаж буюмлар, газлама, гилам, идиш-товоқ, уй хўжалиги моллари, гўшт ва сут маҳсулотлари, ўсимлик мойи, ун, гуруч ва бошқа дон маҳсулотлари, қанд-шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари ва

бошқалар ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқаришнинг локализациялашуви даражаси, яъни тайёр саноат маҳсулотларини яратиш учун зарур таркибий қисмлар мамлакатнинг ўзида яратилиши жиҳатидан Ўзбекистон саноатини 3 гуруҳга ажратиш мумкин. Ўзбекистоннинг тайёр маҳсулотлар олиш учун зарур таркибий қисмлари мамлакатнинг ўзида яратилган ёқилғи-энергетика, конметаллургия, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарида локализация даражаси энг юқоридир. Маҳсулотлари, асосан, маҳаллий, қисман четдан келтирилган маҳсулотлар, хом ашё иштирокида яратиладиган кимё ва нефть кимёси саноати, қурилиш материаллари саноати кабиларда бу даража ўртача, тайёр маҳсулотлар яратиш учун зарур бутловчи қисмлар ва узелларнинг мутлоқ кўпчилиги четдан келтириладиган машинасозлик корхоналари, чунончи тракторсозлик, автомобилсозлик ва самолётсозлик корхоналарида паст ҳисобланади. Ўтиш даври шароитларида республика саноатини ислох қилиш ва ривожлантириш макроиқтисодий барқарорлик, институционал ва таркибий қайта ташкил этиш муаммоларини ҳал қилиш билан биргаликда олиб борилади. Миллий саноатни янгилаш давлатнинг фаол иштироки билан тартибга солишнинг турли усул ва механизмларидан фойдаланилган ҳолда босқичма-босқич олиб борилди.

Республика халқ хўжалигининг таянч тармоғи, республикада иқтисодиёт ва техника тараққиётининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. **Ўзбекистон электр энергетикаси** мамлакат иқтисодиётининг мустаҳкам ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятга эга бўлган асосий соҳаси бўлиб, бутун иқтисодиёт мажмуи тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатади. Республика электр энергетикаси ва кўмир саноатида хўжалик бошқаруви органи «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси (ДАК)дир. Ўзбекистон энергетика тизими республика иқтисодиёти ва аҳолисининг электр энергияга бўлган эҳтиёжларини тўла таъминлайди ва бошқа давлатларга электр энергиясини экспорт қилади. Ўзбекистон энергетика тизими умумий ўрнатилган куввати 12,3 млн. кВт дан ортиқ бўлган 38 иссиқлик ва

гидравлик электр станцияларда йилига 55 млрд. кВт соатдан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга.

### 2.1.1-Жадвал

#### Республикадаги энг йирик иссиқлик электр станциялари.

Номи.	Ўрнатилган Кувват мвт	Турба агрегат / сони	Курилган йиллар	Жойлашган шаҳар.	И зох.
Сирдарё ГРЭС Янги Ангрен ГРЭС	3000 1800	10 6	1972/81 1989- курилиш давом эт-да	Ширин Тошкент	Лойиха кувват 2400 МВт
Тошкент ГРЭС	1860	12	1963 / 71	Нуробод	
Навоий ГРЭС	1250	11	1963 / 81	Навоий	
Ангрен ГРЭС	484	8	1957 / 63	Ангрен	
Тахиатош ГРЭС	730	5	1961 / 90	Тахиатош	
Талимаржон ГРЭС	-	-	1984 й . да бошланган	Нурус	Лойиха куват 3200 МВт .

### 2.1.2-Жадвал

#### Республикадаги энг йирик гидроэлектр станциялари .

НОМИ	Урнатилган кувват МВт	Трубиналар сони	Курилган йиллар	Сув Манбаи
Чорвок	620, 5	4	1970 / 72	Чирчик
Хужакент	165	3	1976	Чирчик
Газалкент	120	3	1980 / 81	Чирчик
Фарход	126	4	1948 / 49	Чирчик

### 2.1.3-Жадвал

#### Йирик иссиқлик электр марказлари

НОМИ	Урнатилган кувват МВт	Курилган йиллар	Жойлашган шаҳар	Изох
Фаргона	330	1956 / 79	Киргули	

Муборак	60	1985 / 88	Муборак	
Тошкент	30	1939 / 54	Тошкент	Лойиха қуввати 140 МВт

Ўзбекистон энергетика тизимининг барча кучланишлардаги электр тармоқлари умумий узунлиги қарийб 24,5 минг кмни ташкил қилади, шу жумладан унинг 6,8 минг км 220 кВ ли, 1,9 минг кми - 500 кВ лидир. Тармоқ трансформаторларининг умумий қуввати 36,9 МВА га тенг.

Ўзбекистонда электр қувватидан, асосан, 20-аср бошларидан фойдаланила бошлади. Ўша даврда Тошкентда 2 та электр станция қурилган бўлиб, бири (қуввати 1450 кВт, 5 дизель) трамвайни ток билан таъминлаш, доимий ток берадиган иккинчиси (Павлов электр станцияси, қуввати 125 кВт) шаҳарни ёритиш учун ишлатилган.

Тошкентда Бирлашган энергетика тизимлари иш режимларини оператив бошқариш учун Бирлашган диспетчерлик бошқаруви тузилди (1991 йилдан «Энергия» бирлашган диспетчерлик маркази). Энергетика тизимларини бирлаштириш халқ хўжалигида электр таъминоти сифати ва пухталигини тубдан яхшилади, гидроресурслар ва ёқилғидан оқилона фойдаланиш имкониятларини яратди, ўрнатилган қувватлар резервларини камайтирди. 1980 йилдан Бирлашган энергетика тизими таркибида 9 та Ўзбекистон, Душанба, Вахш, Шим, Тожикистон. Фрунзе (ҳозир Бишкек), Жануби Қирғизистон, Олма-ота (Жануби Қозоғистон). Шарқий Туркманистон, Небитдоғ энергетика тизимлари ишлади; уларнинг урнатилган қуввати 19 млн. кВт ни ташкил этди. Ҳозир Ўрта Осиё Бирлашган энергетика тизимининг умумий ўрнатилган қуввати 25 млн. кВт ни ташкил қилади.

2001 йил 22 февралда ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги негизида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди. Ўзбекистон энергетика тизими 14 минг саноат, 21,6 минг қишлоқ хўжалиги, 13,3 минг коммунал ва 4,2 млн. маиший истеъмолчиларни энергия билан таъминлайди. 0,4-10 кВ кучланишли электр узатиш йўлларининг

ялпи узунлиги 209,8 минг кмдан ортиқ (2013). Мамлакат энергетикаси келажакда гидроэнергетика ва иссиқлик энергетикаси йўналишида ривожланади.

**Гидроэнергетика.** Ўзбекистон энергетика тизимида жами 28 ГЭС ларда ўрнатилган қувватлар 14-20 МВт ни ташкил этади. 2013 йил уларда 6703,6 млн. кВтс электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон гидроэнергетикасида дарёлар оқимлари ва сув иншоотларининг энергетика салоҳиятидан оқилона фойдаланиш муҳим ўринда туради. 20-асрнинг 90-йилларида республика сув ресурсларининг энергетика салоҳиятидан жадал фойдаланиш концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу концепция асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди (1995) ва «Ўзбекистон Республикасида кичик гидроэнергетикани ривожлантириш дастури» тасдиқланди. Ушбу дастурга мувофиқ республикадаги мавжуд сув омборлари, магистрал каналлари ва дарёларида умумий қуввати 1180 МВтдан иборат бўлган, йилига ўртача 4,6 миллиард кВтсоат электр энергияси ишлаб чиқарадиган 141 та, жумладан 2010 йилга қадар умумий қуввати 423 МВт бўлган, йилига ўртача 1,3 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарадиган 15 та ГЭС лар қурилиши режалаштирилди. Дастурни амалга ошириш мақсадида собиқ Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида «Ўзсувэнерго» ихтисослашган бирлашмаси ташкил этилди (1996). Шу дастурга мувофиқ 2009 йилда Самарқанд вилоятининг Айланма Дарғом каналида қуввати 3 МВт, йилига ўртача 8-10 млн. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарадиган Ургут гидроэлектростанцияси ишга туширилди ва бирлашма таркибида «Ургут ГЭС» шўъба корхонаси ташкил этилди. Шунингдек, бирлашма вазирлик тасарруфида 1983 йилда ишга туширилган Андижон ва Туямўйин ГЭС ларига раҳбарлик қилади. Ўзбекистонда 6 та гидроэлектростанциянинг қурилиши давом эттирилмоқда. Булар қуйидагилардир: Сурхондарё вилоятидаги Тўполон сув омборида ҳар бири 15 МВт қувватли 2 та агрегатдан иборат ГЭС; Андижон вилоятидаги Андижон

сув омборида ҳар бири 25 МВт қувватли 2 та агрегатдан иборат ГЭС; Тошкент вилоятидаги Оҳангарон сув омборида ҳар бири 10,5 МВт қувватли 2 та агрегатдан иборат ГЭС; Қашқадарё вилоятидаги Ҳисорак сув омборида ҳар бири 22,5 МВт қувватли 2 та агрегатдан иборат ГЭС; Фарғона вилоятидаги Кўксув дарёсида 2,2 МВт қувватли Шохимардон ГЭС; Самарқанд вилоятидаги Дарғом каналида 5 МВт қувватли «Гулба» ГЭС. Яна 6 та гидроэлектростанция қурилиши учун техника-иқтисодий асослаш ишлари бажарилди. Бирлашма таркибига кирган корхоналарда 2010 йилда 1235 млн. кВт соат электр энергия ишлаб чиқарилди.

**Иссиқлик энергетикаси.** Йирик ИЭСлар қурилиши натижасида Ўзбекистон энергетика тизимининг ўрнатилган қувватлари 2013 йилда 16,0 минг МВт га етди. Ўзбекистон энергетика тизимидаги лойиҳа, қурилиш монтаж, созлаш, таъмирлаш ва ишлатиш ташкилотларининг тўла мажмуи энергетика тизимининг ишончли ишлашини ва истиқбол тараққиётини таъминлайди. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси Япония халқаро ҳамкорлик банки билан биргаликда «Тошкент ИЭС ни замонавийлаштириш» (195,27 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит), Осиё тараққиёт банки билан биргаликда «Электр энергиясини узатувчи магистрал тармоқларни замонавийлаштириш» (70,0 млн. АҚШ доллари), Ислонд тараққидёт банки билан биргаликда «Сирдарё ИЭС — Сўғдиёна насос станцияси 500 кВ электр узатиш линияси қурилиши» (25,1 млн. АҚШ доллари) лойиҳаларини амалга оширмоқдас

**Ёқилғи саноати.** Бу саноат ер қаърида топилган ва қазиб олинаётган кўмир, нефть, табиий газ конлари негизида шаклланди ва ривожланиб бормокда. Республикада 194 (захираси саноат даражасида ҳисобланган) нефть-газ кони очилган, уларайонинг 126 таси Бухоро-Хива, 14 таси Ҳисор, 27 таси Фарғона водийси, 12 таси Сурхондарё, 15 таси Устюрт нефтьгазли минтақаларда жойлашган. Конларайонинг газ, газконденсатли, газнефть, нефть, газнефть конденсатли ва нефтьгаз конденсатли турлари мавжуд. 92 нефть, газ ва газконденсат, 3 та кўмир конларидан

фойдаланилмоқда. 59 нефть, газ ва газ конденсат кони эса яқин келажакда ишга тушириш учун тайёрлаб қўйилган.

Ёқилғи саноати мамлакат ёқилғи энергетика мажмуининг асосий тармоғини ташкил этади ва барча турдаги ёқилғини қазиб олиш, табиий газни тозалаш ва етказиб бериш, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш корхоналарини уз ичига олади. Улар миллий иқтисодиётнинг барча бўғинларига хизмат кўрсатади. Унинг йирик корхоналари Тошкент, Фарғона, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган. Республика саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида ёқилғи энергетика комплекси маҳсулотлари ҳажми 16,0% ни ташкил этади. Республика саноатида банд бўлган ишчи хизматчилар (саноат ишлаб чиқариш ходимлари)нинг 6% нефть ва газ саноати тармоқлари ҳиссасига тўғри келади. Республика 90 йиллар бошида ёқилғи балансида қазиб олинган ёқилғи (шартли ёқилғи 7000 ккал. ҳисобда) умумий ҳажмида нефтнинг ҳиссаси 8,0% ни, газнинг ҳиссаси 86,3% ни, кўмирнинг ҳиссаси 4,0% (2010 йилда 1,7%) ни ташкил этган. 2010 йилда республика ёқилғи саноатида 3,7 млн. т нефть ва газ конденсати, 60111,5 млрд. м<sup>3</sup> табиий газ, 221,6 минг т суюлтирилган газ, 1493,9 минг т бензин, 1636,3 минг т дизель ёнилғи, 1078 минг т мазут, 453,1 минг т керосин, 329,5 минг т мой ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ноёб Кўкдумалоқ нефть газ конденсат конининг очилиши ва ишга туширилиши билан нефть саноатининг ёқилғи саноати комплексидаги мавқеи ортиб бормоқда.

**Нефть саноати.** Ўзбекистонда дастлабки нефть кони 1885 йилда очилган (Фарғона водийсидаги Чимён нефть конида 3 278 м чуқурликдан суткасига 130 т нефть олинган). 1992 йилда Фарғона минтақасининг ўта чуқур қатламларидан (Мингбулоқ тузилмаси) нефть отилиб чиқди (қидирув ишлари давом этмоқда). Республика нефть саноати миллий иқтисодиётнинг нефтьга бўлган талабини тўлиқ қондириш имкониятларига эга. Айниқса, Кўкдумалоқ кони жадал суръатлар биланишга туширилди. Бу

ерда 1997 йил 500 м кубгача босимда газни ер ости қатламларига ҳайдаш («Сайклингпроцесс») компрессор станцияси ишга туширилди. Янги технологиядан фойдаланиш газ конденсатини олиш коэффициентини ошириш имконини берди. Лойиҳа технологияси АҚШнинг «Келлог» ва Япониянинг «Нишо-Иваи» консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилди. 1995 йилдан Ўзбекистонга нефть импорт қилиш тўхтатилди ва республика нефть мустақиллигига эришди. Кейинги йилларда кўрилган кескин тадбирлар натижасида нефть (газ конденсати билан бирга) қазиб олиш ҳажми юқори суръатларда ўсди.

**Нефтни қайта ишлаш саноати** соҳасида Олтиариқ (1906), Фарғона (1958) ва Бухоро (1997) нефтни қайта ишлаш заводлари қурилди. Ўрта Осиёда биринчи қурилган Олтиариқ заводи (ҳозир Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи филиали)дир. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини хом ашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан истеъмолчиларни узлуксиз таъминлаш учун «Ангрен-Поп» оралик терминаллари қурилди. Жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун заводда иккиламчи қайта ишлаш жараёнлари устида ишланмоқда. Ҳозир заводи нефть маҳсулотларининг 50 дан ортиқ хиллари жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқарилади. Бухоро нефтни қайта ишлаш эди. Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги нефть конлари (асосан, Кўкдумалоқ нефтьгаз конденсати кони) асосида ишлайди. Бу корхона қурилиши лойиҳасининг технологик қисмини амалга ошириш учун Франциянинг «ТЕКНИП» фирмаси, Япониянинг «Марубени» ва «Джей-Джи-Си» компаниялари иштирокида ташкил этилди. Қурилиш монтаж ишларини Туркиянинг «Гама» компанияси ва Ўзбекистоннинг қурувчилари бажарган. Республикадаги нефтни қайта ишлаш заводларининг умумий йиллик қуввати 11,2 млн. тонна.

**Газ саноати** — ёқилғи энергетика мажмуасининг энг ривожланган тармоғи. Унинг республикада қазиб олинаётган ёқилғи балансидаги ҳиссаси 86,2% ни ташкил этади. 2001 йилда Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик

Шўртан газкимё мажмуаси ишга туширилди ва қурилиш технологияси АҚШнинг «АББ Луммус Глобал», Италиянинг «АББ Соими», Япониянинг «Нишо Иваи», «Мицуи», «Тойо Инжиниринг» конкорциумлари билан ҳамкорликда олиб борилди. Полиэтилен, суюлтирилган газ ва газ конденсати ишлаб чиқарилмоқда. Фарғона, Бухоро нефтни, Муборак газни қайта ишлаш заводларида, Шўртан газни қайта ишлаш заводи ва Шўртан газкимё мажмуасида 2003 йилда 190,0; 2010 йилда 228,5, 2013 йилда 2111,6 минг т ва 2010 йилда 230 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилди. 2013 йилда республика нефть ва газ саноатида 60111,5 млн. м<sup>3</sup> табиий газ, 6,4 млн. т нефть ва газ конденсати олишга эришилди. Республикадаги газ узатиш бўлинмалари 7 магистрал газ қувири тармоғи («Бухоро-Газли райони Тошкент», 522 км; «Муборак — Навоий», 112 км; «Шуртан ТоШИЭС», 602 км; «Келиф — Душанба», 408 км; «Бухоро - Урал», 489 км; «Ўрта Осиё - Марказ», 369 км), умумий қуввати 1576,6 кВт бўлган 27 компрессор станцияси, 250 газ тақсимлаш станцияси, 3 ер ости газ сақлаш омборига эга. Республикада газ саноатининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги ва бошқа саноат тармоқларининг ўсишини таъминлади. Шаҳар, шаҳарча ва айниқса, республика ҳукуматининг 1990 йил 9 июлдаги қарори асосида қишлоқларни газлаштириш авж олди. Натижада Республикада хонадонларни газлаштириш 75 фоизга етди.

**Кўмир саноати.** Ўзбекистонда кўмирни саноат усулида қазиб олиш 1930 йиллар охиридан бошланган. 1990 йил 6,4 млн. т кўмир қазиб чиқаришга эришилди. Кўмир захираларининг йилдан-йилга камайиб кетиши, чуқур жойлашган қатламларнинг ўзлаштирилиши қийин бўлганлиги сабабли 1991 йилдан кўмир қазиб олиш кўрсаткичлари пасайди. Республика халқ хўжалигида ҳар йили 8-9 млн. т кўмир истеъмол қилинади. Ангрен ва Янги Ангрен ИЭС ларининг тўла қаттиқ ёқилғига ўтказилиши билан республиканинг кўмирга бўлган эҳтиёжи ортмоқда (Республикада қазиб олинган кўмир истеъмолининг 85% электр энергетикаси секторига тўғри келади).

## 2.1.4-Жадвал

<b>ТАРМОҚЛАР</b>	<b>2005</b>	<b>2010</b>	<b>2013</b>
Бутун саноат	100,0	100,0	100,0
Ёкилғи- энергетика	23,5	23,6	23,8
Металлургия	9,9	9,8	9,9
Машина созлик ва металл созлик	11,7	12,0	12,2
Кимё ва нефт саноати	5,4	5,5	5,5
Ёғоч созлик ва целлюлоза-қоғоз саноати	1,2	1,1	1,0
Курилиш материаллари	5,5	6,0	5,7
Ойна, чинни ва фаянс буюмлари	0,3	0,3	0,4
Енгил саноат	17,3	18,0	18,2
Озик – овкат саноати	13,6	13,8	14,0
Ун, дон, аралаш ем саноати	9,0	8,8	8,6
Бошқа саноат тармоқлари	2,6	1,1	0,7

**Ҳозир металлургия саноатида рудадан метал олиш 4 минг йилдан зиёд тарихга эга.** Кадимда мисдан турли безак буюмлар тайёрланган. Кейинроқ рудали металллар — қалай, кумуш, олтин ва бошқаларни эритиш, куйиш ва қиздириб ишлаш ўзлаштирилган. Дастлабки танга пуллар зарб қилинган. Илк ўрта асрларда Фарғона, Зарафшон, Чирчиқ, Охангарон водийларидаги бир қанча шаҳарларда заргарлик, мисгарлик, темирчилик ривожланди. Рух, сурьма, маргимуш, висмут, кобальт каби рангли металллар маълум бўлмасада, уларнинг қотишмаларидан кенг фойдаланилган. **Қора металлургия** соҳасида фаолият кўрсатадиган ягона корхона Бекобод шаҳридаги «Ўзбекистон металлургия комбинати»

акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Унинг таркибига металлургия заводи ва Ширин машинасозлик заводи, «Иккиламчи қора металл» корхоналари бошқармаси киради. Комбинатда қора металлургия маҳсулотларининг энг муҳим турлари (пўлат, чўян, пўлат қувурлар ва пўлат прокат, арматура пўлати, швеллерлар, пўлат шарлар, эмалланган идишлар) ишлаб чиқарилади, темиртерсак, металл чиқиндилари эритилади. Ўрта Осиёдаги биринчи замонавий металлургия заводи қурилиши умумхалқ хашари йўли билан 1942 йилда бошланган. Республика қора металлургия саноатини ривожлантириш дастурига кўра истиқболда чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда шлак уюмларини қайта ишлаш, калибрланган симлар ишлаб чиқариш, маҳаллий темир рудали конлардан йилига 500 минг т маҳсулот тайёрлаш ва пўлат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мўлжалланган.

Рангли металлургия республикада металлургия саноатининг етакчи тармоғи. Республика умумий саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмида рангли металлургия ҳиссаси 2013йилга 17,0 %ни ташкил этади. Республикада рангли нодир ва қимматбаҳо металллар (олтин, мис, кўрғошин, рух, вольфрам, молибден, симоб ва бошқа) конлари Қорамозор мис, кўрғошин, рух кони, Обираҳмат, Бурчмулла, Оқтуз, Тақоб, Ингичка, Қўйтош, Лангар рангли металллар, Чодак, Зармитан, Маржонбулоқ, Каулди, Кокпатас, Қизилолмасой олтин, Кўрғошинкон, Олтин топган кўрғошин рух, Қалмоққир мис конлари ва бошқалар топилиб, улар саноат миқёсида ўзлаштирилиши билан рангли металлургия саноати шаклланди ва республика рангли металллар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаган мамлакатга айланди. Республика жаҳон мамлакатлари орасида олтин захиралари бўйича бешинчи, олтин қазиб олиш бўйича саккизинчи ўринда туради.

Кимё саноатининг асосий корхоналари «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига киради. Бундан ташқари кимёвий маҳсулотлар, халқ истеъмол моллари ва бошқа турдаги кимёвий технология

асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд бўлиб, улар «Ўзнефтгаз» миллий холдинг компаниясига ва вилоятлар ҳокимликлари бошқаруви таркибида фаолият кўрсатади. Биргина «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналарда 250 дан ортиқ номда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Республика саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида кимё саноати корхоналари маҳсулотларининг ҳиссаси 5,4% дан ортиқни ташкил этади (2013). Республика кимё саноатида табиий газ, нефть, кўмир, олтингугурт, фосфоритлар, оҳакомбинатош, техник ош тузи, шунингдек, рангли металлургия, пахта ва канопни қайта ишлаш чиқиндилари ва бошқалардан хом ашё тарзида фойдаланилади. Айни пайтда кимё саноати маҳсулотлари (минерал ўғитлар, пахта целлюлозаси, кимёвий толалар ҳамда иплар, синтетик аммиак, сирка кислотаси, лок бўёқлар ва бошқалар) экспорт қилинади.

**Минерал ўғитлар** ишлаб чиқариш республика кимё саноатининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Республикада қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган аммиак селитраси, карбамид, аммофос, аммоний сульфат, суперфосфат, аммиак суви, шунингдек, азотли ва фосфорли мураккаб ўғитларайони ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. «Электркимёсаноат» (Чирчиқ), Фаргона «Азот» (1962) ва «Навоийазот» (1964) акциядорлик жамиятларида асосий турдаги азотли ўғитлар, «Аммофос» (1969, Олмалик) ва «Самарқандкимё» (1954) акциядорлик жамиятлари, «Кўқон суперфосфат заводи» (1935) қўшма корхона — акциядорлик жамиятида аммофос, оддий ва аммонийлашган суферфосфат каби фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарилади. Кимё саноатида ишлаб чиқариладиган минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар ҳажми республика қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларини тўла таъминлаши билан бирга уларнинг бир қисми четга ҳам чиқарилади. 1994 йилда 26 млн. АҚШ доллари миқдорида минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар экспорт қилинган бўлса, 2013йилда бу кўрсаткич 94,02 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

**С п и р т с а н о а т и** 2004 йилдан алохида саноат тармоғи сифатида шакллантирилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 январьдаги «Этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» қарорига кўра «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси таркибига кирадиган «Ўзсттиртсаноат» акциядорлик компанияси ташкил этилди. Унга «Кўконспирт», «Андижон биокимё заводи», «Янгийўл биокимё», «Тошкентвино», «Зарафшон» (Самарқанд) акциядорлик жамиятлари киради.

**Р е з и н а м а ҳ с у л о т л а р и** (енгил автомобиль шиналари, шарқона резина калишлар, кислота ва ишқорга чидамли зичлагичлар ва бошқалар, хом резина, резина елим, электр изоляция ленталари, кўлқоплар ва бошқалар) Ангрен «Резинотехника» акциядорлик жамиятида (1994) ишлаб чиқарилади. 1992 йилдан бирлашмада енгил автомобиль шиналарини тайёрлаш ўзлаштирилди. 1996 йилдан йилига енгил автомобиллар учун 500 минг дона шина, 9 млн. жуфт калишлар ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилди. Республикада пластмасса ва полиэтилен, полипропи мажмуаси маҳсулотлари Шўртан газкимё мажмуаси (2001), «Жиззах пластмасса» (1972), «Совпластитал» қўшма корхонасида (1987), турли марқадаги л о к б ў ё қ маҳсулотлари «Тошкент лок бўёқ заводи» (1945) акциядорлик жамиятида, мебель саноати учун синтетик смолалар Фарғона фуран бирикмалари кимё заводида (1946), р ў з ф о р кимёси маҳсулотлари, Тошкентдаги Ўзбекистон-Кипр «Маишийкимё» қўшма корхонаси — акциядорлик жамиятида (1999), с и н т е т и к ю в и ш в о с и т а л а р и «Тошкент ёғ-мой» акциядорлик жамиятида, Россиянинг «Калина» концернига қарашли «Паллада-Восток» шўъба корхонасида ишлаб чиқарилади. Истиқболда кимё саноатини ривожлантириш фосфорит, целлюлоза, каустик ва кальций содаси, калийли ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя воситалари, полимерлар каби энг муҳим хом ашё турлари бўйича республиканинг мустақиллигига эришиш, маҳаллий хом ашёдан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, чет мамлакатлардан

олинаётган кимёвий маҳсулотларнинг асосий турларини республикада ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, хорижий технологиялардан фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, кимё саноатининг экспорт имкониятларини кенгайтириш йўналишларида олиб борилади.

Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг дастлабки корхоналари 20-аср бошларида вужудга келди. 1991 йил октябрдан машинасозлик саноати корхоналари бошқарувини шакллантиришда тармоқлар бўйича концернлар ташкил этилди. 1994 йилда давлат концернлари ишлаб чиқарувчилар уюшмалари, акциядорлик жамиятлари, корпорацияларига айлантирилди. 2010 йилга келиб 200 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникаси тури яратилди, 140 турдаги қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришга эришилди. Айти пайтда республика иқтисодиёти учун янги бўлган автомобилсозлик, моторсозлик, радио, электроника каби саноат тармоқлари барпо этилди.

Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги Республика машинасозлигида ишлаб чиқариладиган жами маҳсулотнинг қарийб 20% шу тармоқ ҳиссасига тўғри келади. Т р а к т о р с о з л и к . 90-йиллар бошида қуввати 30 от кучи бўлган ТТ330 трактори ва унга мосланган қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуроллари мажмуи яратилди. 1994 йилда «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятида дизель двигателли ТТ-380/100 универсалчопиқ тракторлари синовдан ўтказилди. Ўша йили янги ТТ3-80-Х тракторларининг йирик саноат партиялари ишлаб чиқарилди. Кейинги йилларда республикада ғалла экинлари майдонининг кескин ортиши билан бу экинлар учун зарур қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуролларини ишлаб чиқариш бўйича жадал иш олиб борилди. «Урганч экскаватор заводи» акциядорлик жамияти 1990 йилдан ЭО-411 русумли экскаваторлар ишлаб чиқаради. Корхонада ишлаб чиқарилган ҳар хил русумдаги экскаваторлар мелиорация, қурилиш ишларида кенг қўлланилади. Корхонада 2001 йилдан МЗЭТ 400/ 20 земснарядлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Россиядаги экскаватор корхоналари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. 1997-2001

йилларда энг янги технологиялар асосида унумдорлиги юқори қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ташкил этилди. АҚШ нинг «Кейс корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда «ЎзКейсмаш» (1997; пахта териш машиналари, чигит сеялкалари, экскаваторлар), «Ўз-Кейстрактор» (1997; тракторлар, плуглар), «Ўз-Кейссервис» (1998; қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизматлари), «Агрехим» (1998; пуркагичлар, чангитгичлар), «Ўз-Росдизель» (2001; двигателлар, эҳтиёт қисмлар), «Фаввора» (1997; сув насослари) қўшма корхоналари фаолият кўрсатади. Тармоқда «Технолог» (1959), «Агромаш Бош ихтисослаштирилган конструкторлик бюроси» («БМКБАгромаш») акциядорлик жамиятларида илмий техника маҳсулотлари, техниканинг тажриба намуналари яратилади.

Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг муҳим тармоғи ҳисобланган автомобилсозлик-автомобиллар, автомобилларга эҳтиёт қисмлар, турли жиҳозлар ва бошқа асбоблар ишлаб чиқариш республика мустақилликка эришганидан кейин шакллана бошлади. 1992 йил Жанубий Кореянинг ДЭУ корпорацияси билан Асака пахта ташийдиган тиркамалар заводи негизида енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган «Ўзавод-ДЭУавто», 1995 йилда Туркиянинг «Коч холдинг» компанияси билан Самарқанд шаҳрида 35-45 ўринли ўрта ҳажмли автобуслар, турли мақсадлардаги юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган «СамКочавто» қўшма корхоналар барпо этилди. 1994 йилдан қурила бошлаган «Ўзавод-ДЭУавто» қўшма корхона автомобиль заводининг расмий очилиши ва ҳалқаро тақдимоти 1996 йил 19 июлда ўтказилди. 1996 йил 25 мартдан «Дамас» миниавтобуслари, июль ойидан ўта кичик классли «Тико» енгил автомобиллари, июль ойидан «Нексия», 2001 йилдан «Матиз», 2003 йилдан «Ласетти» русумли енгил автомобиллар ишлаб чиқарила бошлади. Корхонанинг тўлиқ лойиҳа қуввати бир йилда 200 минг дона турли модель ва марказдаги автомобиллар. Корхона ишга тушганидан бери 2010 йил 1 январга «СамКочавто» қўшма корхонасида ўрта ҳажмли автобуслар ва юк машиналари ишлаб чиқарилади. Корхона 1999 йил март

ойида ишга туширилган. Корхонада йилига 4000 дона автобус ва 1000 дона юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган қувватлар яратилган.

Маданий-маиший-рузгор техникаси машинасозлиги тармоғида Самарқанд шаҳридаги «Сино» русумли рўзгор совуткичларини ишлаб чиқаришни бошлади.

Мамлакат саноатининг етакчи тармоғи энгил саноатдир. Ҳозир даврда Ўзбекистон энгил саноати кўп тармоқли индустриал комплекс бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш заводларидан ташқари тўқимачилик, трикотаж, шойи тўқиш, тикувчилик, кўп пойабзал, гиламчилик, чиннифаянс буюмлари ва аггорлик моллари ишлаб чиқариш соҳаларида 150 га яқин корхона бор. Уларнинг асосий қисми тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж ва чиннисозлик корхоналари «Ўзбекенгилсаноат» давлатакциядорлик компанияси (2002), пиллакашлик ва ипакчилик корхоналари «Ўзбек ипаги» уюшмаси (1998), чарм ва пойабзал корхоналари «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси (2000) таркибига киради. Республика саноатида банд бўлган ходимларайонинг деярли учдан бир қисми энгил саноат тармоғига тўғри келади. Ўзбекистон саноат маҳсулоти умумий ҳажмида энгил саноат салмоғи 16,9% ни ташкил этади (2010). Халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 50% республика энгил саноати ҳиссасига тўғри келади. Фақат 2010-2013 йиллар мобайнида тармоқда 87,5 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди. 2010-2013 йилларда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналарга 8 млрд. 180 млн. АҚШ долларидан ортиқ. миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилди. Тармоқда маҳсулотлар экспорти 2013 йилда 2010 йилга қараганда 2,3 марта кўпайди. Республикада етиштирилган пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 275 минг т дан ортиди (2009). Республика энгил саноати тармоқларида ип газлама, жун газлама, шойи газлама, трикотаж маҳсулотлари, пайпоқлар, пойабзал, гилам ва гилам маҳсулотлари, чиннифаянс буюмлари ва бошқалар ишлаб чиқарилади.

Пахта тозалаш саноати энгил саноат тармоқлари орасида етакчи ўринда туради, ип йигирув, тўқимачилик, ёғ-мой, кимё саноати

тармоқларига ҳам ашё етказиб беради. Мамлакат ривожланган ва замонавий технологияга эга бўлган пахта тозалаш саноатига эга Пахта толаси 40 га яқин хорижий мамлакатларга, жумладан Хитой, Буюк Британия, Бельгия, Жанубий Корея, Швейцария, АҚШ, Туркия ва бошқалар мамлакатларга экспорт қилинади. Ўзбекистон жаҳонда пахта етиштириш бўйича 5-ўринни, пахта толаси экспорти бўйича 2-ўринни (АҚШ дан кейин) эгаллайди.

Ўзбекистонда тўқимачилик хунармандчилигининг ривожланган тармоғи сифатида узок тарихга эга Бу ерда тайёрланган газ-моллар (атлас, занданачи, бахмал, беқасам, олача) ўрта асрларда Буюк ипак йўли орқали Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига чиқарилган. 1998-2013 йилларда Ўзбекистон тўқимачилик саноатида Жанубий Кореянинг «Кабул текстайлз», Туркиянинг «Типаш», «Бурсел», Япониянинг «Марубени», Швейцариянинг «Виматекс» ва бошқалар компания ва фирмалари иштирокида турли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар ишга туширилди. Бу корхоналар ўз маҳсулотларининг асосий қисмини экспортга чиқаради. Шунингдек, Германия, Япония, Туркия, АҚШ, Корея Республикаси билан йирик кувватли ип йигирув-тўкув қўшма корхоналари ишга туширилди. Илгари Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг фақат 10% республика тўқимачилик саноатида фойдаланилган. 2010 йилда саноат корхоналарида 285 минг т тола қайта ишланди (республика бўйича жами ишлаб чиқарилган толанинг 26,8%). Тармоқда 34 та акциядорлик жамияти, 11 масъулияти чекланган жамият, 28 та қўшма корхона, 1 хусусий ва 1 давлат корхоналари фаолият кўрсатади (2013).

Ш о й и т ў қ и ш с а н о а т и соҳасида 90-йиллар бошига қадар Марғилон шойи комбинати (1928), Марғилон «Атлас» (1925) ва Наманган (1966) шойи ишлаб чиқариш бирлашмалари, Наманган абрли газламалар комбинати (1925), Самарқанд шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси (1934), Қўқон шойи тўқиш фкаси (1926), Шўрчи шойи тўқиш фкаси (1926) ишлади. Табиий ипакдан миллий газламалар: атлас, хонатлас, беқасам, шойи

(ишлаб чиқариладиган умумий газмоллар ҳажмининг 70% дан кўпроғи), крепдешин, шунингдек, плашбоп, костюмбоп, астарбоп газламалар, абрили, тукли ва жаккард газламалар, штапель, вискоза ва аралаш толалардан кийимкечак тикиладиган газмоллар ишлаб чиқарилган. 2000 йиллар бошидан Республикада «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибида «Алишер Навоий» (Марғилон), «Атлас» (Наманган), «Избоскан шойи тўқиш фабрикаси» (Пойтут), «Марғилон ипак газламаси», «Турон шойиси» (Марғилон), «Қўқон шойи-атлас тўқиш», «Мусаффо» (Самарқанд) акциядорлик жамиятлари ишлайди.

Кўнчилик Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг қадимий тури сифатида мавжуд. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон шаҳрларида, Хоразмда юзларча кўнчилик дўконлари бўлиб, уларда теридан турли нав чармлар тайёрланган. Кўнчилик соҳасидаги барча заводлар негизида Тошкентда «Ўзбекистон» кўн ва сунъий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди (1994 йилдан «Чарм» корпорацияси). Ўзбекистонда пойабзал тикиш ўз анъаналарига эгаср Қадимдан пойабзал тикувчи косиблар қўлда ҳар хил андоза ва турда этик, махси, кавуш тикканлар. Пойабзал саноати корхоналари пайдо бўлиши билан туфли, ботинка, сандал, шиппак, пийма, калиш ҳамда махсус иш пойабзаллари ишлаб чиқарилди. Ҳозирда «Ўзбекистонпайабзали» уюшмаси ташкил этилган бўлтиб, унинг таркибида «Кўнчи» акциядорлик жамиятлари), 22 та пойабзал ишлаб чиқариш заводлари [йириклари: «ЎзСаламан» (йиллик қуввати 500 минг жуфт; «Кибо болалар пойабзали» (330 минг жуфт) кўшма корхоналари; «Тошкент пойабзали» (567 минг жуфт), «Қўқон пойабзали» (1182 минг жуфт), «Фарғона пойабзали» (860 минг жуфт), Бухоро «Нақшбандий» (748 минг жуфт) акциядорлик жамиятлари, 4 та чарматторлик корхоналари («Тарандубитель», «Фарғона сунъий чарм заводи» (йиллик қуввати 900 минг м<sup>2</sup> сунъий чарм) акциядорлик жамиятлари ва бошқалар) фаолият кўрсатади. Енгил саноат таркибида мўйна саноати (Тошкент, Бухоро, Самарқанд,

Қорақалпоғистон (Қоракўл) ва Наманган шаҳрида чиннифаянс), (Тошкент, Самарқанд, Қувасой, Ангрен (керамика) тармоқлари ҳам ривожланган.

Ўзбекистонда мебель саноатининг дастлабки маҳсулотлари турар жой ва жамоат бинолари учун мебель ишлаб чиқариш 1922 йилдан бошланган. Хунармандчилик артеллари ва йирик мебель цехлари негизида Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон шаҳриларида мебель фабикалари барпо қилинди. Ҳозирда 1962 йил маҳаллий саноат корпорациясининг бир неча корхоналари ва «Файз» қўшма корхонаси акциядорлик жамияти негизида мебель саноатидаги йирик «Файз» холдинг компанияси ташкил топди. Компания таркибида 30 корхона ва ташкилот, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги 10 та қўшма корхона бор. Компания корхоналарида юмшоқ ва офис мебеллари, ошхона мебеллари, ётоқхона тўпламлари, мактаблар ва ўқув юртлири, болалар спорти, меҳмонхоналар учун мебеллар, маъмурий биноларни безаш мебеллари, поролон, гугурт, ламинацияланган ДСП тагликлари ишлаб чиқаради. Маҳсулотларининг катта қисми экспорт қилинади. Мебель саноатида ҳар хил мебель тўпламлари (меҳмонхона, ошхона, кабинет, ётоқхоналар мебеллари, мактаб, тиббиёт, лаборатория мебеллари), миллий мебель (хонтахта, сандиқ ва бошқалар) намуналарини, ҳашаматли мебеллар йиғмаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. «Файз Холдинг» компанияси корхонаси Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Фарғона (Қува) вилоятларида ривожланган. Мебель саноати корхоналарида 6104,3 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди (2003; 2000 йилда 7339,9 млн. сўм).

Маҳаллий саноат йирик ишлаб чиқариш хўжалик мажмуи бўлиб, республикада ишлаб чиқариладиган халқ истеъмолчи молларининг йиллик умумий ҳажмида унинг ҳиссаси анча салмоқли. Маҳаллий саноат корхоналарида, асосан, маҳаллий хом ашё ресурсларидан турли туман халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилади. Унинг таркибида қора металлургия, металлга ишлов бериш, ёғочни қайта ишлаш саноати, шу жумладан, мебель саноати, қурилиш материаллари, шиша ва чиннифаянс,

енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналари, халқ хунармандлигининг зардўзлик, тикувчилик, тўқувчилик, пичоқчилик, бадий каштачилик (сўзана, гулкўрпа, чойшаб, зардевол, палак, кирпеч), дўппидўзлик, ўймакорлик, мисгарлик, заргарлик, кандакорлик, рихтагарлик, кулоллик, миллий чолғу асбоблари яшаш, косибчилик ва бошқалар тармоклари бор. Шаҳар ва шаҳарчаларда, қишлоқларда каттакичик хусусий ҳамда жамоа корхоналари, кўшма корхоналар, фка, бирлашмалар фаолият кўрсатади. Тармоқда 3000 га яқин номда маданий, маиший, рўзғор, хўжалик моллари ишлаб чиқарилади. Тармоқдаги йирик корхоналар — Шаҳрихон, Косонсой ва Ургут шойи тўқиш, Уйчи ва Юқори Чирчиқ, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикалари, Бекободдаги «Металлист», Чустдаги миллий пичоқлар заводлари, Тошкент, Андижон ва Шаҳрисабз бадий буюмлар фабрикалари, Олмалик гилам фабрикаси, Тошкент ошхона мебеллари заводи, Тошкент миллий чолғу асбоблари заводи, Бухоро зардўзлик фабрикаси, Тошкент «Ёдгорлик» фабрикаси, Сўфиқишлоқ, Қамаш, Когон, Боёвут пахта фкалари, Риштон, Шаҳрисабз кулолчилик заводлари ва бошқалар корхоналар 1970-1990 йилларда фойдаланишга топширилди. 1990 йилда ишга туширилган термос ишлаб чиқарувчи биринчи Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонаси, Тошкент, Андижон, Чуст, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган.

Ўзбекистон “Озиқ-овқат саноати” таркибида турли мулкчилик шаклларига мансуб 11 та гўшт комбинати (асосан вилоятмарказлари ва йирик шаҳарларда жойлашган) фаолият кўрсатмоқда ва 50 турдан ортиқ колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Республика сут саноати корхоналарида сариёғ, сутқатик, сут консервалар, қуруқ сут, пишлоқ, бринза, қаймоқ, музқаймоқ, казеин каби 60 дан ортиқномдаги сут маҳсулотлари, 10 турдан ортиқроқ номда турли шарбатлар ва ичимликлар ишлаб чиқарилади. Унинг корхоналари Тошкент, Андижон, Наманган, Навоий, Термиз, Урганч, Ғазалкент ва Хужйли шаҳарларида жойлашган.

Ёғ-мой саноати республика озиқ-овқат саноатининг етакчи тармоқларидан бири. Ўзбекистонда қадимдан ўсимлик ёғи кунжут, зиғир, индов, махсар уруғи, пахта чигити, полиз экинлари уруғларидан жувозларда олинган. Республикада ёғ-мой саноатининг ривожланиши, асосан, пахта етиштиришнинг ўсиши билан боғлиқ бўлгани сабабли тармоқ корхоналари ҳам ашёга яқин ерларга қурилган ва Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида (Навоий вилоятидан ташқари) мавжуд. Янгийўл, Каттакўрғон, Қўқон, Фарғона, Андижон, Урганч шаҳрларида жойлашган ёғ-мой ҳамда Бухоро, Қарши, Асака, Учкўрғон, Наманган, Гулистон, Когон, Денов, Косон ёғ экстракция корхоналари-акциядорлик жамиятлари, «Тошкентмаргёғ» (Тошкент шаҳри), «Хўжайлимоё», «Ёғгар» (Қорақалпоғистон, Беруний шаҳри), «Чимбой-мой» акциядорлик жамиятлари шулар жумласидандир. «Қўқон ёғ-мой» акциядорлик жамияти таркибида пахта мойидан ташқари мева данакларидан мой ишлаб чиқарадиган завод ишлайди. «Тошкентмаргёғ» корхонасида маргарин маҳсулотлари ва майонез, тармоқдаги 10 корхона Фарғона, Янгийўл, Андижон, Урганч, Каттакўрғон ва бошқа шаҳрларда жойлашган корхоналарда кир совун ишлаб чиқарилади.

## **2.2. МИНТАҚА САНОАТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ.**

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади. Шунга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш

долзарб аҳамият касб этиб, республикамизда ушбу жараён бир қатор асосий йўналишлар бўйича амалга оширилмоқдади

Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Иқтисодиётнинг реал сектори – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини олади.

Реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари Банк кредитлари орқали қўллаб-қувватлаш Экспортёр корхоналарга солиқлар бўйича имтиёзлар бериш Маҳсулот таннархини пасайтириш Ишлаб чиқаришни кенгайтириш

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Саноат ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши

рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотларимиз таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058- сонли Фармонида муҳим чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди.

Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари Импорт қилинадиган ресурслар нархларини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш Материаллар сарфи Меъёрларини пасайтириш Маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланиш.

Натижада 2013 йил мобайнида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 18 фоизга, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси сингари ва бошқа корхона ва тармоқларда 20-25 фоизга камайди.

Мазкур тадбир орқали корхоналарнинг мавжуд қарзларининг вужудга келиш сабаблари ва уларни тўлаш имкониятлари ўрганилади. Ҳар бир корхонанинг аҳамияти, яхлит хўжалик тизимида тутган ўрни, бошқа корхоналар билан ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқаларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарзларни тўлаш муддатларини кечиктириш, улар бўйича қўлланиши мумкин бўлган турли санкцияларни бекор қилиш, зарур ҳолларда, ушбу қарзларни умуман рўйхатдан чиқариш каби чоралар белгиланиши мумкин. Хусусан, 2013 йил давомида ҳам давлат томонидан реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг

бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан бир каторда уларни соғломлаштириш тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, узок давр мобайнида сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш иқтисодиётнинг соғломлигига жиддий путур етказиши мумкин. Бундай корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини таркибий ўзгартириш орқали қайта тузиш бу борадаги энг тўғри ва самарали ечим ҳисобланади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади. Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

- 1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70 фоиз ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;
- 2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;
- 3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010- сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаклар) берилган эди. Жумладан, ушбу Фармойишга кўра:

- тижорат банкларига банкрот корхоналар ёки улар мол-мулкининг берилиши,

сотилиши, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар устав жамғармаларига киритилиши, шунингдек банклар томонидан банкрот корхоналар мол-мулки негизда янгидан ташкил этилган хўжалик субъектларини қайта сотиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди;

- банкрот корхоналар негизда янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди;

- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди. Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган, эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятини янгиллаган корхоналарнинг фаолият кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Шунингдек, юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган эди. Жумладан:

- қарзларни тўлаш ҳисобига ундирилган ёки аукцион ва танлов савдоларида сотиб олинган мол-мулк негизда тижорат банкларининг корхона устав жамғармасидаги иштироки улуши 100 фоизгача бўлган янги корхоналарни ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган,

копланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юкланган эди. Жумладан:

- тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

- ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

- банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясида ҳисобот беришлари йўлга қўйилган.

Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилиш борасида белгиланган тадбирлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнади.

Президентимиз маърузасида таъкидланишича, 2009-2013 йилларда мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами 240 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Айни пайтда уларнинг 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат банклари балансига ўтказилди.

Бугунги кунда тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли

сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётини ортиқча юкдан халос қилиш, бюджет ва иш ҳақи бўйича умумий миқдори 1 триллион сўм кредиторлик қарзини узиш, банкрот корхоналар негизда 100 дан ортиқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қўшимча равишда 17 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконини берди.

Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим йўналишлардан яна бири – бу саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнидир.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш – саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт шаклида харид қилиш орқали қўлланилувчи деталлар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёни.

Маълумки, маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек янги иш жойларини яратиш имконини беради. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши куйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юқори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равишда, анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини

ривожлантириш;

- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Маълумотларга кўра, кенг кўламли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2013 йил давомида 333 та корхона негизида 843 та амалга оширилаётган лойиҳа бўйича 2854,0 млрд. сўм ҳажмида маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Нефть-газ ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари, автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар ва бошқа 120 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Минтақаларда ҳокимият қошида саноат корхоналарини минтақа ҳудудларида жойлаштириш ва ривожлантириш бўйича эксперт бўлимини ташкил этиш, хорижий инвесторлар билан экспортга йўналтирилган саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш бўйича марказлар барпо этиш, маҳаллий ҳокимият ташаббуси билан чет мамлакатларда кўргазма ва ярмаркалар ташкил этиш, савдо уйлари очиш, вилоят ҳудудида эркин савдо зоналари ва саноат парклари барпо этиш мақсадга мувофиқ.

### 2.2.1. - чизма

#### Минтақа саноатини ривожлантириш механизми

	Республика даражасида	Минтақа даражасида
Ҳуқуқий базани шакллантириш	- “Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш; - “Давлат саноат сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш.	- саноат ишлаб чиқаришини тартибга солишнинг амал қилувчи қонуний ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича доимий таклифлар тайёрлаш; - маҳаллий бошқарув идоралари томонидан саноат ишлаб чиқариши ривожланишини мувофиқлаштирувчи қарорни тайёрлаш ва қабул қилиш; - саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг хорижий кредит, суда ва грантлар олишлари учун маҳаллий ҳукумат идоралари томонидан имконият ва ресурслар даражасида кафолат берувчи қарор қабул қилиш;

Ташкилий институционал ўзгаришлар	- Вазирлар Маҳкамаси қошида минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини мувофиқлаштирувчи доимий Кенгаш ташкил этиш; - Савдо ва саноат вазирлигини ташкил этиш.	- саноат корхоналарини минтақа ҳудудларида жойлаштириш ва ривожлантириш бўйича эксперт бўлимини шакллантириш; - маҳаллий ҳокимият ташаббуси билан хорижий мамлакатларда кўргазма ва ярмаркаларни ташкил этиш, савдо уйлари очиш; - вилоят ҳудудида эркин савдо зоналари, саноат паркларини ташкил этиш;
Иқтисодий механизмларни жорий этиш	- иқтисодий жиҳатдан қолоқ минтақалардаги саноат корхоналарига солиқ ва кредит имтиёзларини жорий этиш; - иқтисодий жиҳатдан қолоқ минтақаларга хорижий инвестициялар кириб келиши учун қулай шарт-шароитлар барпо этиш.	- маҳаллий бошқарув идораларининг ваколатлари доирасида саноат корхоналарига маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериш; - тадбиркорларни минтақадаги бозор инфратузилмалари (тижорат банклари, суғурта, лизинг компаниялари, инвестиция фондлари) тизими орқали рағбатлантириш; - иқтисодий қолоқ ҳудудларда саноат корхоналари қуришни - имтиёзли кредит, солиқлардан чегирма ва бошқалар орқали рағбатлантириш; - минтақада саноат тармоғини ривожлантиришнинг бюджетдан ташқари фондини тузиш, кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришга устуворлик бериш ;
Маъмурий дастаклар ва воситалар	- саноат корхоналарини ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва ташқи бозорларга чиқишларида маъмурий тўсиқларни максимал даражада камайтириш; - Саноат ривожланиши мониторингини ташкил этиш.	- саноат ишлаб чиқариши учун зарур ходимлар тайёрлашда иштирок этиш, бу ишда хорижий мутахассиларни жалб қилиш; - экологик жиҳатдан ноқулай ҳисобланган, юқори урбанизация даражасига эга шаҳарларда муайян ишлаб чиқаришларни ташкил этишни чеклаш ва ҳоказо.

Учинчи бўлим саноат ривожланишини таъминлашда иқтисодий механизмлардан кенгроқ фойдаланишни кўзда тутди. Бу механизмлардан самарали фойдаланиш республика ва минтақа миқёсида саноат ишлаб чиқарувчилари учун қулай макроиқтисодий муҳитнинг шаклланишига олиб келади. Республика даражасида минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишини мувофиқлаштириш учун иқтисодий жиҳатдан қолоқ минтақалардаги саноат корхоналарига солиқ ва кредит имтиёзларини жорий этиш, ушбу минтақаларга хорижий инвестициялар кириб келишини рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Минтақалар доирасида эса ички имкониятлардан оқилона фойдаланишга асосланган қулай инвестиция муҳитини барпо этиш, бунинг учун саноат корхоналарига маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар жорий этиш, маҳаллий тадбиркорларни бозор

инфратузилмаси тизими орқали рағбатлантириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Тўртинчи бўлимда маъмурий дастаклар ва воситалардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Бунда республика даражасида саноат ривожланишидаги тенденциялар, қонуниятлар ва йўналишларни аниқлаш ва уларга баҳо бериш учун доимий мониторингни йўлга қўйиш, саноат корхоналарини ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш ва ташқи бозорларга чиқишларида маъмурий тўсиқларни максимал даражада содалаштириш ва камайтириш алоҳида ўринга эга. Минтақа даражасида эса саноат ишлаб чиқариши учун зарур ходимлар тайёрлашга маҳаллий ҳокимият органларининг кенг кўламда иштирок этишини таъминлаш, экологик жиҳатдан ноқулай ҳисобланган шаҳарларда муайян турдаги саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишни чеклаш чора-тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган.

2013 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқариш ҳажми **8,0** фоизга ўсиб, **119,0** трлн. сўмни ташкил этди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг барча тармоқларида тизимли ва ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши ҳисобига эришилмоқда. Хусусан,

– ташқи ва ички бозор талаблари асосида иқтисодиётни чуқур таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш жараёнларининг изчил амалга оширилаётганлиги;

– ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш;

– бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, худудларни

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастурий вазифаларнинг ўз вақтида бажарилаётганлиги;

– ички талабни аҳоли бандлиги ва реал даромадларининг ошишини таъминлаш ҳисобига рағбатлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;

– қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шакллари ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитларнинг яратиб берилиши, қишлоқ хўжалигида илғор ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш кўламининг кенгайтирилиши;

– республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, унинг фаолиятини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш борасида кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишига замин яратмоқда.

2013 йилда мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг юқори суръатларда ўсиши кузатилди.

## **2.3. МИНТАҚА САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аниқ ва илмий асосланган минтақавий сиёсат ишлаб чиқилиши ҳамда уни амалиётга жорий этиш Ўзбекистон иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатишида ва мавжуд ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланишда муҳим рол ўйнайди. Минтақавий омилар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар характери ва йўналишига, ишлаб чиқариш омилари ривожланиши суръатлари ва нисбатларига, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг жадаллашувига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Миллий иқтисодий тараққиётни белгилаб берувчи саноат тармоғининг минтақавий ривожланиш муаммоларини тадқиқ этиш ва саноат ишлаб чиқаришини ҳудудий жиҳатдан оқилона ташкил қилиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида устувор вазифалардан ҳисобланади.

Саноат ишлаб чиқаришини ҳудудий жиҳатдан оқилона ташкил этиш деганда, бозор иқтисодиёти хусусиятлари, жаҳон хўжалиги ривожланишидаги замонавий тенденциялар, мамлакат ва ҳудудий бирликларнинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий меҳнат тақсимоти имкониятлари, минтақаларнинг табиий-иқтисодий салоҳияти ва минтақалараро иқтисодий муносабатлардан самарали фойдаланиш асосида аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва минтақа саноат ишлаб чиқаришининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлашга эришиш тушунилади.

Минтақалар саноатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш жараёнига давлат қуйидаги дастак ва воситалар орқали таъсир кўрсатади:

- давлат маблағларини жалб этган ҳолда саноат корхоналарига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини қуриш;

- хусусий инвесторлар сарф-харажатларини камайтириш учун бюджетдан капитал қўйилмаларнинг бир қисмини ажратиш;

- саноат корхоналарини қуришда иштирок этиш;

- саноат корхоналарини қуришга имтиёзли кредитлар ажратиш;

- солиқ имтиёзларини жорий этиш;

- давлат маблағлари ҳисобидан янги саноат корхоналари учун кадрлар тайёрлаш;

- иқтисодий жиҳатдан қоқоқ минтақаларда саноат корхоналари қурилганлиги учун имтиёзлар, муқофотлар бериш;

- экологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналари қурилишини таъқиқлаш ёки чеклаш ва ҳоказо.

Тадқиқотлар кўрсатишича, турли ривожланган мамлакатларда минтақавий сиёсат соҳасида марказий ва минтақавий ҳокимиятлар ўртасидаги вазифалар тақсимланиш тамойиллари ўзига хос бўлиб, улар минтақалар ривожланишига таъсир кўрсатишнинг макро [монетар, фискал ва савдо сиёсати дастаклари] ҳамда микро [меҳнат ва капиталга бевосита таъсир кўрсатиш] воситаларидан бошқаришнинг муайян даражасида фойдаланишига қараб фарқланади.

Унитар давлатларда минтақавий сиёсат асосан марказий ҳукумат томонидан амалга оширилади. Хусусан, Японияда минтақавий сиёсатни амалга оширишда ҳамда саноат ривожланишидаги минтақавий тафовутларга барҳам беришда макро ва микро воситалардан фойдаланишда марказий ҳукумат идораларига устунлик берилган.

Федератив тузилишга эга давлатларда макро воситалардан марказ, микро воситалардан эса маҳаллий ҳукумат устун даражада фойдаланади.

Минтақавий сиёсат тўлиқ федерация ҳукуматига юклатилган мамлакатга Австралия мисол бўла олади. Бу мамлакат конституцияси марказнинг штатлар ҳаётига кучли аралашувини чеклайди. Марказ ва минтақа вазифаларининг бундай қаттиқ ва аниқ тақсимланиши билан боғлиқ бўлган муаммо шундан иборатки, давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда илмий-техника сиёсати юритишда мураккабликлар келиб чиқади.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, республикамизнинг ички хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда минтақавий сиёсат юритишда федерал тизимнинг баъзи жиҳатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, минтақавий сиёсат, хусусан, минтақавий саноат сиёсати давлат ва вилоятлар миқёсида юритилиши лозим. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон учун штатлар ҳукуқи катта ўринга эга бўлган АҚШ ёки Австралия модели тўлиқ мос келмайди, чунки минтақаларнинг саноат ривожланишидаги тафовутлари юқорида номлари зикр этилган мамлакатларга нисбатан анча катта. Бундай ҳолатда фақат давлат минтақалар ўртасида молиявий маблағларни оқилона тақсимлаши ва шу орқали бутун мамлакат миқёсида иқтисодий ўсишни таъминлаши, қолоқ минтақаларга ёрдам бериши ва ижтимоий тангликни юмшатиши мумкин. Бу эса, саноат ишлаб чиқаришидаги кескин минтақавий тафовутларнинг қисқаришига олиб келади. Мазкур минтақавий саноат сиёсати бозор муносабатларига ўтишнинг “ўзбек модели” тамойилларига ҳам мос келади.

Иккинчидан, барча минтақалар макро воситалар – монетар, молия ва савдо сиёсатидан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эга бўлишлари керак. Минтақаларга монетар ва савдо сиёсати соҳасида катта ҳуқуқлар бериш мақсадга мувофиқ эмас, зеро мамлакат миқёсида ягона иқтисодий ҳудуд,

ягона бозор шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Айти вақтда фискал сиёсатни амалга оширишда минтақалар ҳуқуқи кенгроқ бўлиши лозим. Негаки, ҳукуматнинг фискал сиёсати минтақавий хусусиятларни тўлиқ ҳисобга олмайди. Бу эса, минтақавий тенгсизликни кучайтиради.

Саноатни минтақавий жиҳатдан оқилона ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибасининг умумлаштирилиши улардан Ўзбекистонда қуйидаги йўналишларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади:

- ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, “ноу-хау” ва технологиялар учун фирмаларга грантлар тақдим этиш йўли билан маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш;

- фирмаларга кейинги фаолиятининг муқобил режаларини ишлаб чиқишга ёрдам бериш;

- саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;

- қолоқ минтақаларни инфратузилмалар билан таъминлаш, ходимларни ўқитиш ва қайта ўқитиш, ижтимоий муассасалар ташкил этиш;

- кичик ва ўрта корхоналар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

- минтақаларнинг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва бошқалар.

## Хулоса ва таклифлар

Фикримизча, минтақамизда саноат тармоғини келгусида янада ривожлантириш, ижтимоий меҳнат тақсимоти ҳамда ишлаб чиқаришни чуқур ихтисослашуви принципларига амал қилиниш даражасига боғлиқ бўлади. Минтақамиз саноат тармоғини янада такомиллаштириш учун, аввало, қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш;
  - бугунги кунда тўхтаб турган ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш;
  - янги моддий-техника базасини барпо этиш;
  - янги ташкил этилаётган корхоналар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш;
  - саноат тармоғи ривожланишида кичик корхоналар сонини янада кўпайтириш ва уларни ташкил этиш чора-тадбирларини рағбатлантириш.
- импорт урнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга юналтирилган маҳаллийлаштириш дастурини жадал суръатлар билан ривожлантириш.

Минтақа саноатини ривожлантиришнинг асосий омиллари ва йўналишларига бағишланган битирув малакавий иши натижаларини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Ўзбекистон иқтисодиётида миллий саноатнинг роли ва аҳамияти салмоқли бўлиб, давлат мустақиллигига эришилганидан кейин бу соҳада туб хўжалик-иқтисодий, ташкилий-институционал ва таркибий ислохотлар амалга оширилди.

2. Миллий саноат ривожланишининг янги даврини макроиқтисодий вазият, бозор муносабатларини шакллантириш, таркибий ўзгаришларнинг тавсифи ва саноатлаштириш стратегиясидан келиб чиқиб бир неча босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич [1991-1995 йиллар] мавжуд саноат салоҳиятини сақлаб қолиш, стратегик муҳим аҳамиятга эга хом ашёни қазиб олиш ва бирламчи қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ўзак тармоқларни ривожлантириш чора-тадбирлари билан тавсифланади.

Иккинчи босқич [1995-2000 йиллар] иқтисодий мустақиллик асосларини ташкил этувчи саноат тармоқларини устун ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи саноатлаштириш стратегиясини кенг миқёсда амалга ошириш, қайта ишлаш тармоқларига инвестициялар оқимини кўпайтириш, хусусан, машинасозлик, енгил саноат, киме ва озиқ-овқат тармоқларида капитал қўйилмаларни кўпайтириш билан характерланади.

Учинчи босқичда [2000 йилдан бошланган] импортнинг ўрнини босувчи саноат тармоқларини ривожлантириш негизида экспортга йўналтирилган саноат соҳаларини барпо қилиш ва ривожлантиришга эътибор қаратилган.

3. Бугунги кунда Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган саноатлаштириш моделининг муваффақияти умумий ҳолда қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга оширишга боғлиқ:

- аграр ислохотларни чуқурлаштириш, ерга мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш; фермер хўжалиқларининг экспорт фаолиятини рағбатлантириш;

- хусусий секторнинг иқтисодиётдаги [хусусан, саноатдаги] ролини кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш ёрдамида ошириш;

экспорт ва импортда энг арзон транспорт йўллариини ўзлаштириш, трансакцион харажатларни камайтириш;

- халқаро бозорнинг асосий ҳудудий сегментлари - АҚШ, европа ва Жанубий-Шарқий Осиё бозорларига кириб бориш билан бирга, Ўзбекистон

учун анъанавий ҳисобланган яқин хориж мамлакатлари билан интеграцион алоқаларни чуқурлаштириш;

- иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида банк-молия тизими ва капитал бозорининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш.

4. Ўзбекистонда миллий саноатнинг таркибий тузилиши мустақиллик даврида кескин ўзгарди. Бундай ўзгаришнинг асосий шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат бўлди:

- мамлакатнинг сиёсий мустақилликни қўлга киритиши; бу давлат миқёсида, туб иқтисодий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, янги таркибий сиёсат юритиш имконини берди;

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига қўшилиш жараёни бошланиши; илгари ягона иттифоқ хўжалигининг хом ашё базасига айланган Ўзбекистон жаҳоннинг саноати ривожланган мамлакатлари билан савдо ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйди. Бу мамлакатнинг хом ашё ва меҳнат ресурсларидан хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда фойдаланиш учун шарт-шароит яратди;

- мамлакатда бозор ислохотларининг амалга оширилиши; бозор муносабатларининг шакллантирилиши ва хусусий мулкчиликнинг ривожланиши ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишнинг таркибий жиҳатдан ўзгаришига олиб келмоқда. Аҳоли ва фирмалар ресурсларининг саноат ишлаб чиқарилишига жалб қилиниши таркибий ўзгаришларнинг иқтисодий самарадорлигини оширмоқда.

Миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналиши саноатдаги ўзгаришлар ҳисобланади. Саноатда янги технологияларнинг ўзлаштирилиши ва янги корхоналарнинг қурилиши қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишда ҳам ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашиши ҳамда меҳнат унумдорлигининг ошишини таъминлайди.

5. 1994-2013 йилларда саноат тармоғидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди:

- саноатнинг ёқилғи-енергетика мажмуаси устун ривожлантирилди. Бу даврда тармоқнинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 18,3 фоиздан 27,4 фоизга чиқди, яъни, унинг салмоғи ошди, натижада мамлакатнинг ёқилғи-енергетика мустақиллиги таъминланди ва тармоқнинг қайта ишлаш салоҳияти кенгайди;

- металлургия ва машинасозлик саноатининг жами саноатдаги улуши бу даврда 21,4 фоиздан қарийб 33,2 фоизга ўсди. Бу ушбу тармоқдаги эски ишлаб чиқариш қувватларининг яроқсиз ҳолга келиши ва мутлақо янги, замонавий корхоналарнинг барпо қилиниши билан боғлиқ;

- кимё ва нефт кимёси, ёғоч ва қоғоз саноати, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва енгил саноатининг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши кескин ўзгармаган бўлсада, уларда тармоқичи таркибий ўзгаришлар амалга оширилдики, бу саноат корхоналарининг замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан қуролланиши ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятининг ошиши билан ифодаланади.

6. Ўзбекистонда саноат тараққиёти жараёнига ижобий таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланганлиги;

- меҳнат қобилиятига эга ёшларнинг меҳнат ресурслари таркибида юқори улушга эгалиги;

- ахборот, билим ва замонавий технологияларни ўзлаштириш шарт-шароитларидан бири ҳисобланган оммавий саводхонликнинг таъминланганлиги;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига яроқли ер фондининг етарлилиги ва юқори деҳқончилик маданияти;

- шаҳарлашишнинг ривожланаётган мамлакатларга нисбатан юқори даражаси ва ижтимоий инфратузилма асосларининг мавжудлиги;

- мамлакатнинг табиий ва минерал-хом ашё ресурслари йирик захираларига эгаллиги;

- миллий саноатнинг кўп тармоқлилиги;

- илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш имкониятини берувчи интеллектуал салоҳиятнинг мавжудлиги.

7. Ўзбекистонда миллий саноатнинг жадал ривожлантирилишига акс таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш саноат тараққиётини суръатларини оширади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин;

- миллий бозорнинг торлиги, корхоналар ва аҳоли тўлов қобилиятининг пастлиги;

- иқтисодиёт, хусусан, саноат тармоқларининг бир-бирига уйғун ривожланмаганлиги, тармоқлараро меҳнат тақсимоли, ихтисослашиш ва интеграциянинг мақсадга мувофиқ эмаслиги;

- хусусий сектор молиявий, инвестицион ва илмий-техник салоҳиятининг йирик саноат лойиҳаларини амалга ошириш учун етарли эмаслиги;

- саноат ишлаб чиқаришида машинасозлик тармоғи улушининг пастлиги, 2013 йилда бу тармоқнинг улуши 16,5 фоиздан иборат бўлди, ваҳоланки, чегаравий кўрсаткич 20 фоизни ташкил этади;

- аксарият қайта ишлаш корхоналари техник ва технологик кўрсаткичларининг пастлиги, хусусан, асосий фондларнинг жисмоний эскириши ўртача 52-54 фоизни ташкил этади;

- саноат тармоқларида инновацион фаолиятнинг ривожланмаганлиги, илғор инновацион янгиликларнинг саноат корхоналарида кам жорий этилиши;

- бозор инфратузилмасининг саноатни жадал ривожлантириш талабларига мос ривожланмаганлиги;

- минтақавий интеграцион алоқалар, хусусан, ҳудудий бозорларнинг ривожланишидаги айрим муаммолар;

- миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимига заиф интеграциялашганлиги ва халқаро бозордаги кескин рақобат;

- мамлакатнинг географик жиҳатдан анклав жойлашганлиги, ривожланган бозорлардан узоқлиги, денгиз йўлларига чиқиш имкониятлари ва шарт-шароитларининг торлиги.

. Саноатни минтақавий жиҳатдан оқилона ташкил этиш бўйича жаҳон тажрибасининг умумлаштирилиши улардан Ўзбекистонда қуйидаги йўналишларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади:

- ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, “ноу-хау” ва технологиялар учун фирмаларга грантлар тақдим этиш йўли билан маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш;

- фирмаларга кейинги фаолиятининг муқобил режаларини ишлаб чиқишга ёрдам бериш;

- саноат ишлаб чиқаришини ташкил этишда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;

- қолоқ минтақаларни инфратузилмалар билан таъминлаш, ходимларни ўқитиш ва қайта ўқитиш, ижтимоий муассасалар ташкил этиш;

- кичик ва ўрта корхоналар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

- минтақаларнинг ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар сонини купайтириш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу вазифаларни амалга оширилиши республикамиз ва Сурхондарё вилоятида иқтисодий рақобатбардошлигини оширишга, саноатни ривожланишига имкон яратади ва бундан кейинги даврларда ҳам барқарор ўсиш суръатларини таъминлаб беради.

## **Фойдаланилган ва қулланилган адабиётлар**

### **1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т.: Ўзбекистон, 2010. - 40 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, - Т.: Адолат, 2010. - 400 б.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг " Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 23 б.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 1995. -19 б.

### **2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари.**

- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011-йил 30-декабрдаги 1675-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2012-йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори.
- 2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги "саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устивор юналишлари тугрисида»ги Қарори

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009-йил 27-январдаги 1048-сонли “Тайёр махсулотлар, комплектлаш буюмлари ва материалларини саноат кооперацияси асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 2009-йилги дастури тўғрисида”ги Қарори.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 29-декабрдаги 1024-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2009-йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.

2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

2.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 4058- сонли Фармони

2.12. . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006-йил 18-декабрдаги 532- сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2007-йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори

2.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998-йил 9-апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

2.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши

### **3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меёрий ҳужжатлари**

3. 15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 20-августдаги 34-сонли “Тўқимачилик саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизациялаш ва 2009-2011-йилларда маҳаллий ноозиқ-овқат истемол товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори.

3.16. Махсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. –Т.: Ўзбекистон, 1999.

### **4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

4.17. Каримов.И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатият билан давом эттиришдир // Халқ сўзи 2013 йил 19 январ.

4.18. Каримов И. А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012-йил 20-январ.

4.19. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган табрик сўзи. //Халқ сўзи, 2011-йил 1-сентябр.

4.20. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш - тараққиётимизнинг муҳим омилидир. //Халқ сўзи, 2010-йил 8-декабр.

4.21. Каримов И. А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлтигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи, 2011-йил 22-январ.

- 4.22. Каримов И.А. Жахон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, -15 б.
- 4.23. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. //Халқ сўзи, 2009-йил 14-феврал сони.
- 4.24. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 2009, -15 б.
- 4.25. Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997, -326 б.
- 4.26. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995, -269 б.

### **5. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар**

- 5.27. Абулкасимов Х.П. Приоритеты реформирования и модернизации экономики Республики Узбекистан. -Т.: Молия, 2010. - 84 с.
- 5.28. Ансофф И. Новая корпоративная стратегия. - СПб: Питер, 1999.-С. 216.
- 5.29. Боумен К. Основы стратегического менеджмента: пер. с англ. / под ред. Л.Г.Зайцева, М.И.Соколовой - М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997. —С. 18;
- 5.30. Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В.Ўзбекистон иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи юлида. - Т.: Иқтисодиёт, 2008. - 126 б.
- 5.31. Дихтл.Е. Практический маркетинг / Пер. с нем. - М.: Р1нфра-М.: Вўсш. шк., 2006.-С. 128.
- 5.32. Иванов В.В.-Организация диверсифицированного производства на основе вариантного ресурсного обеспечения: дис. ... д-ра экон. наук. -М., 1999.
- 5.33.Забелин П.В. Корпоративное управление связанно-диверсифицированными системами в промышленности: дис. ... д-ра экон. наук. -М., 1999.
- 5.34.Макконнелл К.Р., Брю С.Л. экономикс: принципы, проблемы и политика.В. 2т.: Пер. в англ. Т.2.
- 5.35.Маркова В.Д., С. А. Кузнецова. Стратегический менеджмент / - М.:

ИНФРА-М: Новосибирск: Сибирское отделение, 1999.-Б.288.

5.36. Портер М. Конкуренция: пер. с англ. - М.: Издательский дом “Вильямс”, 2000. - С. 126.

5.37. Роджерс Л. Маркетинг в малом бизнесе. – М.: Аудит, ЮНИТИ, 2006. – 256

5.38. Румянцева е.Е. Новая экономическая энциклопедия. 3-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2008. - ВИ, 826 С.-С.374.

5.39. Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий - необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке.

5.40. Салимова Т.А. Теория и практика управления качеством / науч. ред. э. М. Коротков. - Саранск: Изд-во Морд. гос. ун-та, 2001. - С. 17.

5.41. «Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. - Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май;

5.42. 2012 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2013 йилга мулжаллаган асосий йўналишлари. БПК/ 2013/01. 14-б.

5.43. Хашимов А.А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпорацияларни бошқариш. И.ф.д., проф. Б.Б.Беркинов тахрири остида. - Т.:“ФАН”, 2007, 286-б.

5.44.. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. Мамлакатни жадал ислох, этиш ва модернизация қилиш - миллий тараққиётимизнинг мантикий босқичи: Илмий-оммабоп рисола. - Т.: ТДИУ, 2008. - 53 б.

5.45. Богатўреву С. Ю. Диверсификация индустриалнўх систем (на примере ОАО ММК): дис.... канд. экон. наук. - М, 1998.

5.46. Эгамбердиев.Ш. Саноат корхоналарида инвестициявий сиёсатни ривожлантириш истиқболлари. БПК// 2011, 20-бет.

5.47. Собитова.Р. Ёрматов Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноатни диверсификациялаш. Иқтисод ва молия //2012, №11-30-бет.

5.48. А.Султонов. Саноатда диверсификациялашни бошқаришнинг ташкилий иқтисодий механизмлари. БПК// 2012, 20-бет.

5.49. Ўзбекистон саноати йиллик статистик тўплам. Ўзбекистон республикаси давлат статистикаси қўмитаси, 2014-йил

[www.cфин.ру](http://www.cфин.ру) маълумотлари

5.50.<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси 2013.